

ЎЗБЕК
ХАЛҚ
ИЖОДИ



Чамбил қамали



КЎП ТОМЛИК



Айтувчи:

Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан

Нашрга тайёрловчилар:

Муҳаммаднодир САИДОВ, Зубайда ҲУСАИНОВА

Ана энди Темирхон подшо Гулчеҳра билан Ҳасанхоннинг иложини қилолмай, ёппа-ёвлик Гўрўглининг олдига келиб, бор сарпо, тўнлар ёпиб, Гўрўглибек билан ошна бўлди. Ана энди булар тўй-томоша қилиб, вақтини хушлаб ётаверсин. Энди сўзни Чамбилнинг элидан эшитмак даркор. Ана шунда Чамбилдан Жалман қизил деган Чамбилни ер билан яқсон қилмасам, деб Ширвоннинг элига, Райхон подшонинг олдига кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, намозгар-намозгар бориб, Райхон подшога салом берди. Райхон подшо келган меҳмонга қараб бир сўз айтди:

Жонни сотиб, отга қамчи чоласан,
Кўп чарчабсан, қизил рангинг сўласан;
Тарзинг кўриб элатингни сўрайман,
Ростин айт, меҳмонжон, қайдан бўласан?

Гапиргин, эштай, меҳмон, тилингни!
Ё биров олдим соғи-сўлингни?
Қандай элдан, қандай чўлдан келасан,
Баён бер, меҳмонжон, ўсган элингни?!

Ориғ экан минган отинг пес торлон,
Юраккинанг бўлган ўхшар тўла қон,
Бетинг кўриб мазгилингни сўрайман,
Қаердан келасан, айтгин меҳмонжон?!

Мен сўрайман миллатингни, зотингни,
Яширмайин айтавергин дардингни!

Қайси элдан, қайси даштдан келасан,
Менга айтгин, меҳмон, мамлакатингни?!
Ростин айт, меҳмонжон, қайдан бўласан?!

Ана энди Райхон подшодан [бу сўзни эшитиб], Жалман қизил Райхон подшога қараб бўлган гапни айтаверди:

Юриб келдим мен одамсиз чўлидан,
Сўна учар өппоқ ойдин кўлидан,
Тақсир-а, мен сизга айтай сўзимни,
Жонни сотиб келдим Чамбил элидан.

Гўрўғлибек Чамбилбелдан кетибди,
Кўп йўл юриб Ваянганга етибди,
Чамбил элда эркак деган киши йўқ,
Чамбил элда гала хотин ётибди.

Чамбил элга Гўрўғли навкар солди,
Йигитларнинг ҳаммасини сарбоз қип,
Фуқарога бежойин зулм қилди.
Вақт-вақт шундай вақт.
Чамбил элда хотин билан қиз қолди.

Бориб билдирайин, деб мендай меҳмон
Билдиргани меҳмон ўзингга келди.
Эркак кетди, Чамбилбелнинг қизлари
Улим олди, бари эгасиз қолди.

Хўп эшитгин мендай Қизил зорини,
Бузиб келгин бориб Чамбил шаҳрини!
Юзта одам бўлса кифоя қилар,
Бориб талаб келгин ҳарна борини!
Олиб келгин Юнус, Мисқол парини!

Ҳеч бир киши Гўрўғлидан келмади,
Ҳеч бир одам яхши, ёмон демади,
Улса майли, Гўрўғлибек кетган сўнг,
Чамбил элни қулатмасам бўлмади.

Кетган одам бари тараф бўлади,
Зўрлик қилиб олди, бари йиғлади,

Гўрўғлининг касофатига тойиб,
Темирхон ҳам зўр подшоди, ўйласам.
Шу кетгандан битта қолмай ўлади,
Шу палла Чамбилга борсанг лашкар қип,
Борганлар хотиндан ўлжа қилади.

Томоша айланг беимоннинг ишига,
Бу сўзни эшитиб келган меҳмондан,
Райхон араб қўлтиғидан суятиб,
Олиб чиқди шу меҳмонни қошига.
Томоша айланг шу ёмоннинг ишига,
Ёмон етар экан элнинг бошига.
Ёмонларнинг ғажир қўнсин гўшига!

Ана энди Райхон подшо олдидан ўрин бериб, Шохмон билан Қопқонга қараб, бир сўз айтди:

Араб битган йиғилишиб келинглар,
Кези кепти, энди ўчни олинглар!
Хабар беринг, ҳар тарафга, араблар,
Чамбилбелни вайрон-вайрон қилинглар!

Елғон билманг бу меҳмоннинг сўзларин,
Ўйиб онглар! туркманларнинг кўзларин!
Янги кезга кепти Гўрўғли туркман,
Ҳайдаб келиб, хотин қилинг қизларин!
Ҳар эланса, бовар қилманг сўзларин!

Эшитинглар бу меҳмоннинг додини,
Билмайсанми ўқиб кўриб хатини?!
Гўрўғлидан араб олди лотини,
Юраверинг энди Чамбил устига,
Қолган қизлар арабларнинг хотини!

Ҳар тарафдан гураз-гураз кетинглар,
Чамбилнинг юртига қамсаб етинглар!
Хабар беринг ётган сап арабларга,
Хотин-қизин ўлжа қилиб қайтинглар!

¹ Олинглар.

Отни чопинг ҳар тарафга араблар,
Ёппа-ёвлик арабларга айтинглар!
Ҳаялламай бориб, ҳамманг от қўйиб,
Чамбилбелни яксон-яксон этинглар!

Қари кампирларин уйига ташлаб,
Гўштли-тўшлисини ҳайдаб қайтинглар!

Ана энди бу араблар оёғи олти, қўли етти бўлиб,
араб битганга чопишиб вағир қилди. Буни Холжувон
билди. Холжувоннинг юраклари куйиб кетди. Райхон
подшони аста ичкаридан сигалаб қаради. Райхон под-
шонинг маҳрами турган экан. Қўл булғаб чақириб ол-
ди. Олдига чақириб олиб, унга бир саноч танга берди.
Ана энди бу қўрқиб қолди. Холжувон бир сўз айтди:

Жонимни дардингга айлайин қурбон,
Қайтайин дунёси қурсин бепоён.
Бир сўзим бор ўзим сенга айтайин,
Холжувонни яхши кўрсанг маҳрамжон.

Хуфтон чоғи чиқиб Ширвон элидан,
Ваянганга қараб қистаб йўл тортсанг...
Гўрўғлига бориб сўзларни айтсанг...

Бола-чақаларинг балки ўлди, де,
Райхон подшо кўп ишларни қилди, де!
Лафзи йўқ, динидан қайтган араблар,
Чамбилбелни бориб вайрон қилди, де!

Ҳамма нарсангизни талаб олди, де!
Араб битган чувлаб элга етди, де!
Ёвгарчилик бўлиб қонлар ютди, де!
Бориб хабар бергин Гўрўғлибекка!
Арабистон шаҳри бузилиб келиб,
Чамбилбелни бориб, талаб келди, де!
Нима бўлса бола-чақа бўлди, де!
Чақалоқлар, ёш бачалар ота, деб
Ичи куйиб, кўчаларда ўлди, де!
Чамбил шаҳри харобот бўп қолди, де!
Яна хуруш қилиб Ширвоннинг шаҳри
Чамбил элни талқон-талқон қилди, де!
Нима бўлса бола-чақа ўлди, де!

Райхон подшо чўртта тараф бўлди, де!
Улган ўлди, қолган қолди, подшойим,
Не иш бўлса бола-чақа бўлди, де!

Гапи қурсин юрак-бағрим қабарди,
Холжувон гапирса сўзга чеварди.
Оти анжом сизга берай, маҳрамжон,
Гўрўғлига бориб бергин хабарди!

Акам дейин ўзим сенинг ўзингни,
Дардинг бўлса гапир сен ҳам сўзингни!
Гўрўғлига бориб ўзинг билдирсанг,
Қайта одам қилай сенинг ўзингни!

Холжувондан бу гапларни маҳрам эшитиб, ана Хол-
жувонга қараб бир сўз деди:

Холжувон, мен билсанг қоплонча борман,
Одам эмас, ўзим сиртлонча борман,
Ака-ини, дединг менга ёқмади,
Ака-иниликдан ҳаргиз безорман.

Жондан кечиб бу хизматга кетаман,
Ажал етса бу дунёдан ўтаман,
Бир муччини ўзинг берсанг бетингдан,
Ишонтирсанг сўнг хизматга кетаман.

Ўл десанг ўламан, қил де қиламан,
Ваянган йўлини ўзим биламан,
Бориб туриб Гўрўғлини ияртиб,
Арабларнинг калласини оламан.
Ғам емагин, аввал менинг кўнглим топ,
Кўнглимни тўлдирсанг бориб келаман!

Бўйнингга қўлгинамни ташласам,
Отга минмай пича вақтим хушласам.
Ваянганда менинг қариндошим бор...
Ваянганга ўзим бориб келайин.

Холжувон «вой-бой,— деди.— Ҳа, буни бир алдайин»,
деди. Ана Холжувон бир ҳийла сўз айтди:

Бориб келган сенман билла бўламан,
Ундан кейин айтганингни қиламан,
Жун босганиннг ўзим калласин олиб,

Ширвон элга сени подшо қиламан.
Райхон араб қари киши, қаддингдан,
Ўзим сени яхши куёв қиламан.
Иншооло, муродима етаман,
Боққа кириб қизил олма отаман.
Аввал хизматимни тиндир ишонай,
Ундан кейин сенингман билла ётаман.

Ўзим сени қўйнима соламан,
Сенинг билан ҳамиша билла бўламан,
Ширвон элга сени подшо кўтариб,
Ўзим сенга қиздай хотин бўламан,
Аввал хизматимни тиндир эр бўлсанг,
Мен кўнглим ишонса хотин бўламан.

Ишониб шу маҳрам ўзидан кетди,
Хушвақт бўп оғзи қулоққа етди,
Қулоғи қайқайиб тепадан ўтди,
Ҳапаланглаб қолди энди довдираб.

Энди билиб Холжувондай ҳийлагар,
Отни опкеп маҳрам остига тортди.

Эркаксиниб дадил-дадил сўйлади,
Подшо бўлдим, деди маҳрам ўйлади.
Ваянганга кетар бўлди шу маҳрам.

Яхши тўндан, яхши кийим кийдирди,
Эркаксиниб шоп бойлади белига,
Талатўплар солиб Ширвон элига,
Яхши гаплардан сўзлашиб тилига,
Хуфтон минди илдам отнинг белига,
Кетар бўлди Ваянганнинг элига.
Холжувон алдади, кўп фириб этди.
Шу маҳрам Ваянган шаҳрига кетди.

У ҳам жўнайверсин Ваянган шаҳрига қараб. Ана энди гапни бу ёқдан эшитмак даркор. Ана энди араб битган чувлашиб, йиғилишди. Райхон подшо энди бир сўз айтди:

Ҳар тарафга хабар кетди,
Райхон подшо қаҳр этди,

Диндан қайтиб Райхон подшо,
Чамбилбелига йўл тортди.

Олисни яқин қилгани,
Туркманга савдо солгани,
Жўнайверди Райхон подшо,
Чамбил шаҳрини олгани.

Гап чиқади аччиқ тилдан,
Юраверди сувсиз чўлдан.
Чамбил элини олгани,
Қиёмат-қойим бўлгани,
Жўнайверди араб битган,
Хотин-қизни, болаларни,
Барини ўлжа қилгани.

Холжувоннинг маҳрами ҳам Ваянганга етди. Бориб, Гўрўғлибек подшога салом берди. Шундай жонини сотган, кўп кунлар йўл тортган. Ана Гўрўғлибек ҳалиги маҳрамга қараб, бир сўз айтди:

Маҳрамжон, дунёси тушин бепоён,
Сабаб нима бўйтиб келдинг жон сотиб?
Келганингнинг маънисин айт, маҳрамжон!
Жондан қўрқмай шундай чўлдан ўтибсан,
Ҳовлиқасан, ўзинг озиб кетибсан,
Сабаб нима, қистаб келдинг, маҳрамжон,
Дардинг нима, кўп ваҳми тортибсан?
Ёмон савдо ё ўзингга бўлдим?
Бир одамзод сенга тухмат қилдим?
Сабаб нима хўрсинасан, меҳмонжон,
Бирор киши сенга зулм қилдим?

Шамолда дувлайди тоғнинг ёғочи,
Подшонинг бошида бўлмайми тожи?
Сабаб неди хўрсинасан, меҳмонжон,
Менга айтгин хўрсинганинг важини!

Шу борган, Холжувонни оламан, деган маҳрамбача
часи дод, фарёд, деб бўлган гапларни айтаверди:

Ассалом алайкум Чамбил подшойи,
Қариндош бўп келдим ёппа туркмандан.

Гап чиқади мендай одам тилидан,
Қутулмадик душман қурсин ҳилидан.
Мен сенга ростини айтай подшойим,
Жалман қизил келди Чамбилбелдидан:

Арабларга дарров келди, бўлнинг деб,
Калтак, анжомингни қўлга олинг деб,
Айтаверай ўзим бўлган гапларни,
Хотин-халажларни банди қилнинг деб.

Жалман арабларга эрка бўп кетди,
Райхон подшо вақтларни хуш этди,
Хотин-халажларни опкенглар, деди,
Бўлган гапнинг қолмай барисин айтди.

Гўрўглибек жонини сотди, деди,
Ҳамма эркакларни навкар қип олиб,
Чамбилбелдан Гўрўгли кетди, деди,
Ваянганга туркманлар етди, деди.
Бир нечасин Темир подшо банди қип,
Кетган беклар дунёдан ўтди, деди.

Бирин-бирин айтаверди барини,
Илоё қариндош қурсин, Гўрўгли,
Ёв қип кетди арабларнинг барини.
Холжувон хуфтонда ўзима айтди,
Тез боргин, деб Ваянганга жўнатди.
Мен сизга ростини айтай подшойим,
Битта қолмай, араб Чамбилга кетди.

Бежой бўлди ўзингизман араблар,
Бола-чақаларни жунлилар хўрлар.
Ўз кўзимман кўриб қайтдим ҳаммасин,
Чувиллашиб кетди жами араблар.

Холжувон гул тергин, деди,
Жонни сотиб юргин, деди,
Бу гапларга чидай олмай,
Ваянганга боргин, деди.

Гўрўглини кўргин, деди,
Бирор фасл тургин, деди,
Бўлган ҳодисани айтиб,
Маълум қилиб келгин, деди.

Араб битган тўп бўлди,
Бу гапни Жалман қилди,
Пак ўлай деб базўр етдим,
Нима бўлса Чамбил бўлди,
Арабларнинг раҳми келмас,
Хотин-қизлар ўлжа бўлди.

Анакай элчининг зори,
Евғарчилик Чамбил шаҳри,
Бундан ортиқ зулм борми,
Ўлжа бўлди қизнинг бари.

Отли, эшаклиси кетди,
Хотинларга қиёматди.
Шу кетгандан кетган бўлса,
Хотин, бола-чақаларинг,
Ҳаммасини ҳайдаб қайтди.

Райхон араб ғайрат қилиб,
Жалман қизил бошлиқ бўлиб,
Ияртириб арабларни,
Чамбилнинг шаҳрини бузиб,
Чамбилни талатўп қилиб,
Бола-чақа ҳаммасини,
Райхон араб ҳайдаб қайтди.

Подшойим қиёмат бўлди;
Бола-чақа бўзлаб қолди.
Мен сизга ростини айтсам,
Шул ишларнинг ҳаммасинга,
Жалман қизил сабаб бўлди.

Гўрўглибек бу гапни эшитди. Темирхон подшо икки боласи учун кун ташаб, «бунинг билан урушсам болаларимни қийнайди», деб, сарпо-тўн [кийдириб], қариндошланиб, холис ошна бўлиб ётиб эди. Гўрўгли ётган жойга Ваянган шаҳридан қизу жувон, хотин-халаж ёппа-ёвлик бориб-келиб ётиб эди. Ана бу гапни эшитиб, Темирхон подшонинг димоғи куйиб кетди. Сахмоннинг ҳам суяги ўртаниб кетди. Сирни билдирмади. Гўрўглибек, ўзига тан одамларнинг ичи куйиб кетса ҳам ўйнаб-кулиб ўтиришаверди. Ана энди сўзни Темирхон подшонинг Сахмон полвони одамларга қараб айтаверди

Бола-чақаларни араб қирибди,
Талабгоринг дарров айрил, ботирлар!
Бу Райхон подшони арвоқ урибди,
Бизни деганларинг айрил, жамоат!!
Райхон подшо Чамбил элни қирибди,
Бу иш ўлимдан ҳам қаттиқ бўлибди.

Арабларни қирмоқ керак,
Белни боғлаб турмоқ керак.
Бу ишни ёмон қилибди,
Ҳаммамиз энди ярашдик,
Ёппа-ёвлик бормоқ керак.
Бу гапга талоқлар қонди,
Ёппа-ёвлик юринг энди!
Ҳаммамиз иттифоқ бўлдик,
Олиб кетсак Темирхонни.

Бормикан ҳаммада яроқ,
Улмасликдан борми дарак?
Тез эгарланглар отни,
Нима бўлса бўлиб қолди,
Дарров Чамбил бормоқ керак.

Улган одам ўлиб қолди,
Шунча гап ёмондан бўлди.
Ёппа юринг халойиқлар,
Кеча-кундуз йўл тортинглар!
Аввал ушлаб ўлдилинглар,
Қаттаси подшо Райхонди!

Гўрўғлининг тарафини,
Ҳоли, кун харобини,
Ҳайдайвер, тез мингин,
Банди қилиб ўлдилинглар,
Райхон подшо арабини!

Пўлат добилларни туйинг,
От бошини тугиб қўйинг!
Банди қилиб арабларни,
Улар эчки, сизлар қассоб,
Тойчадайин типирлатиб,
Эчкидай бўкиртиб сўйинг!
Ажалнинг тўнини кийинг!

Ҳар тарафга хатни ёйинг!
Тез бўл, ҳайдайвергин отни!
От бошини тинмай қўйинг!

Қулоқ сонг Сахмон додига,
Томоша айланг Ҳимматига.
Ғайрат қилди Гўрўғлибек,
Аввал Сахмон, ёппа беклар,
Минар бўлибди отига.

Ҳасан чопсонга қараб, Гўрўғлибек бир сўз айтди:

Ҳасан чопсон, бунда келгин, қаддингдан!
Худо бизга ёмон кунлар солибди,
Илдам бўлсанг, илдамлигинг кўрсатгин,
Чамбилнинг шаҳридан хабар келибди!
Қайтай ўзим ҳисобимни йитирдим,
Гап эшитиб қулоғимни битирдим.
Илдам бўлсанг, илдамлигинг кўрсатгин.
Бола-чақа, хотин-қизлар ўлибди,
Бу ишнинг иложин қилгин, Ҳасанжон.
Райхон подшо ёмон ишлар қилибди,
Бундан ортиқ зулм борми бандага?
Ошнолиғи бекор бўлди, вой-вой,
Қиёматдан ёмон савдо бўлибди.

Ғайрат қилиб сен обрўни олсанг-чи,
Бориб туриб дарагида бўлсанг-чи...
Илдам бўлсанг, иш кўрсатган Чопсоним,
Қатта ишнинг иложини қилсанг-чи.

Юракларим бўлиб кетди тўла қон,
Эшитдим, бўп қолдим мен ўзим ҳайрон.
Ишни билсанг, энди ишни кўрсатгин,
Улсанг Чамбил элда ўлгин, Ҳасанжон.

Калима борди мусулмоннинг тилида.
Уткир ханжар ботирларнинг белида,
Қайтайин белимдан кетди қувватим,
Чопсон, бориб ўлгин Чамбил элида.

Ой Юнус синглингни олиб кетмасин,
Райхон қурсин, юрак-бағрин йиртмасин,

Бундан ортиқ кулфат борми дунёда,
Ой Юнус синглингни олиб кетмасин?!

Бўлди талатўп можаро. От эгарлаяпти, анжом-асбоб-
ни бўғаяпти. Ҳасан чопсон Гўрўглибекка қараб бир сўз
айтаверди:

Ғам емагин, Гўрўглибек,
Ўзим жонимни сотаман.
Ғойибнинг қушидай учиб,
Оғзимни қаррақдай очиб,
Чамбилга қистаб етаман,
Ўлигин силтаб отаман.

Ғам емагин, куёвгинам,
Палахмон тошидан абжил,
Райхонни тити пит қилиб,
Иззат-обрўларни олиб,
Арабларман саваш қилиб,
Яшиндай чўлларда елиб,
Оёғимни тошлар тилиб,
Ғам ема, Чамбил кетарман!
Уч соатда Чамбил элга
Мен ўзим қистаб етарман.

Нима десам сен ишонгни тилма,
Асло раҳм айламайман ҳолима.
Ўзинг учун хафа бўлма, Гўрўгли,
Ҳасанхонни бўйнима миндирсам,
Қайнинггни кўрарсан Чамбил элида.
Ҳасанхонни бўйнима миндирсам,
Арабларни тўс-талқон қиламан.
Бўйнимда Ҳасанхон бўлса кетаман.

Ашула айтиб, ялла дейиб мен ўзим,
Кўз очиб-юмгунча Чамбил етаман.
Яши кўрдим Ҳасанхонни мен ўзим,
Кетгим келмас Чамбил элга бир ўзим,
Ҳасан бўлса гангур-сунгур, подшойим,
Арабга дорийман мен ёлғиз ўзим.

Қабил қилдим Ваянганнинг шаҳрини,
Айтиб қўйдим ичимдагин барини.



Арабларнинг тўс-талқонин чиқарай,
Димоққинам чоғ бўп мен йўлга кирсам.

Қириб қўяй арабларнинг барини,
Мен биламан Аскар тоғнинг ўрини,
Банди қилай арабларнинг пирини,
Ҳасанхонни бўйнима миндирсам,
Қайнатайин манглайда шўрини.

Нима деса, Темир подшо демайди,
Овқат бўлса мендай полвон емайди.
Ҳасанхонни бежой яхши кўрибман,
Ҳасанхон бўлмаса чопгим келмайди.

Ҳасанхонни бўйнима миндирсам,
Ундан кейин ишонаман сўзингга,
Кокили бўйнида турса силдираб,
Ҳар замонда кўрсам авжим келади,
Яхши хизмат қип берайин ўзингга.

Ана энди Гўрўғли Аҳмадбек, Сахмон, Темирхон подшо маслаҳат қилди. Айтди:— Ҳасанхонни миндирмасак бормайди, бу бесўнақай қурғур. Бу Евмитнинг ялласи деб, бу бошмоқлайди калласи деб, ёмон ўрганиб қолибди,— деди. Ана энди хайр эмаса,— деди. Темирхон подшонинг туси қочиб қолди. Ана бечора Ҳасанхон ирғиб бориб Ҳасан чопсоннинг бўйнига миниб олди. Мингандан ҳай деб худди туйғун қушдай бўлиб, Чамбилга қараб от солиб кетди. Ана энди Гулчеҳра, бечора синглиси ҳам ўзидан кетди. Ана Темирхон подшо ҳам беҳуш бўлиб ўзидан кетди.

Булар боя ошнолашиб ўтириб эди. Энди ҳамманинг димоғи куйиб кетди. Бу хушвақтчилик хафаликка айланиб кетди. Энди Темирхон подшо бечора зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб бир сўз айтди, Гўрўғли подшога қараб:

Болам кетди, ақлимни шоширдим,
Йиғлай-йиғлай ўпкаларим пиширдим,
Елғиз фарзанд, қайтай кўнглим бўлмади,
Гўрўғли, ўғлимни сизга топширдим.

Фарзанд тушсин, юрак-бағрим пиширдим
Чопсонингнинг кўнғирогини кўриб,

Отамнинг арвоҳи келиб қолди, деб,
Худойилар айтиб бежойин сийлаб,
Олиб бориб ватанима туширдим.
Қўзимнинг равшани Ҳасан жонимди,
Қувватим, ўғлимни сенга топширдим.

Бадбахтининг юрган ери чўл бўлсин!
Худойинг ўғлимдан хабардор бўлсин!
Мен билмайман ҳоли қандай бўларин,
Ғойибона Юнусжонга ул¹ бўлсин!

Қайтайин, танамдан кетди тоқатим,
Чамбил элга кетди ёлғиз қувватим.
Икковимизга бирдайгина ул бўлсин,
Ҳам Чамбилда, Ваянганнинг шаҳрида,
Ундали, мундали юрсин фарзандим.

Ғавго қилдим Ваянгандай элимди,
Менинг ҳолим фуқарога маълумди(р).
Кўчаларда тағи ухлаб қолмасин,
Юнусжон қучоқлаб ётсин улимди!

Ҳасанжоним кетди Чамбил элига,
Ҳеч жеркиманг, раҳм айланглар ҳолига!
Эсон-омон ҳамманг борган сўнгра,
Моллар сўйиб, тўй-томошалар қилиб,
Фарзандим деб илик беринг қўлига.
Гўрўғли, боламини сизга топширдим.
Ошно-билиш энди сиз билан,
Юзин кўрмай, ой Юнусга топширдим.
Соқибулбул ўзинг хабар олгайсан,
Ҳасанжоннинг сен акаси бўлгайсан!
Боши оғриб касал-пасал бўлганда,
Хабарин олиб менга келгайсан!
Соқиб, ўғлимни сенга топширдим.

Еш ўғлондир, кўкайини чўктирманг,
Аҳмадбек, қўзимни сизга топширдим.

Ана энди бу Ҳасанхоннинг синглиси дод-форёд деб,
қизиқ сўзни Гулчеҳра айтаверди Гўрўғлибекка қараб:

Ё олиб кет, ё сўйиб кет ўзимни,
Ўйиб ташланг юлдуздайин кўзимни!
Акамдан айрилиб бунда қолгунча,
Тирик бўлганимдан ўлган лозимди.

Кетаман-кетаман Чамбилга, деди,
Дўст-душман акажоним деганча,
Насва тортган топганини еганча,
Тирикликдан ўлгангинам лозимди,
Акажонимдан айрилиб қолганча.
Вой-вой, вой-вой мен кетаман Чамбилга.

Мен ўзим қопинганча,
Желак-чопон ёпинганча,
Акамдан айрилиб қолиб,
Бунда ўлгангинам яхши,
Меҳри тортиб соғинганча.
Вой-вой, вой кетаман,
Ўҳ-воҳ кетаман Чамбил шаҳрига.

Икки кўзгинам тинайдим,
Бориб Чамбилга кўнайдим,
Акам кетарин билганда,
Мен ҳам бориб шу илдамга,
Тепасига минайдим.

Неча тоғдан дўнайдим,
Акажонимдан қолгунча,
Бир фасл ўзим айрилмай,
Биргагина борайдим.

Кетаман туркман элига,
Бораман Чамбилбелига.
Пой тикай ширин жонимни,
Нима қилай маконимни,
Хазон қилиб бўстонимни,
Бу ерда ёлғиз қолгунча,
Излайман акажонимни.

Юринглар Чамбил кетамиз,
Қистаб ортидан етамиз.
Акам деб сарғайиб юзи,

¹ Уғил.

Кўринг Гулчеҳранинг ўзи,
Гулчеҳраман кетамиз деб,
Минишиб олди отларга,
Гулчеҳраман билла келган,
Қирқ-элликча сулув қизи.

Баттолликни Соқи қилди,
Ҳамма одам бу ишларга,
Еппа-ёвлик ҳайрон қолди.
Темирхон подшо инграниб,
Ҳар дарди ичида бўлди.

Ана энди ҳамма йиғилиб, маслаҳат қилиб, бу ишнинг ҳисобига тушунмади. Ўзлари Темирхон одамгарчилик қилгандан кейин, меҳри юмшаб, «Ҳасанхон билан Гулчеҳрани кўйиб кетмак даркор», деб маслаҳат қилиб ўтириб эди. Ана энди ҳаммаси ҳисобиңи йитирди. Ана билгир Сахмондан сўзни эшитинг! Сахмон халойиққа қараб бир сўз айтаверди:

Баракалла Гулчеҳранинг сўзига,
Зор бўларсан болаларинг изига,
Нима дахлинг қолди икки фарзандда,
Ҳар одамнинг ихтиёри ўзида.

Ақлин олди Соқибулбул бегумон,
Дуо қил, ҳар жойда бўлгай-да омон,
Энди индасанг катта жанжал қилади.
Чеҳра ҳам бир эрка қизди, халойиқ,
Гулчеҳрани раъйига қўй, Темирхон!

Гулчеҳра ҳам кириб қолган гўйига.
Не иши бор Гулчеҳранинг ўйида?
Гулчеҳра ҳам бир зўр қизди, Темирхон,
Нима деса қўявергин раъйига!

Борма десанг, қаттиқ қасам айтади,
Кўнглингизни шу ерда қабартади,
Гулчеҳра ҳам бир зўр қизди, подшойим,
Аччиғланса юзинг кўрмай кетади.

Кетар бўлди энди Чамбил юртига,
Миниб олди туркманларнинг отига,

Гулчеҳра ҳам кучли қизди, Темирхон,
Хуш-хушвақт кўнглини қолдирмай,
Юборгин, подшойим, Чамбил юртига!

Тиг тегиб, ўлганнинг бадани қонди,
Неча одам ҳар тарафдан сарсонди,
Насиҳатим шулдир сенга, Темирхон,
Хушвақт қип жўнатгин Гулчеҳражонни!

Оталик қип энди айтма сўзингни!
Бўзортиб кетади икки кўзингни,
Бирор нарса дема гапинг ўлади,
Чамбилга жўнатгин Чеҳра қизингни!

Ана энди Темирхон подшо Гўрўғли билан икки фарзанди учун жон аяшмас, мол аяшмас ошна бўлди. Темирхон подшо кўнглини очиқ-ойдин қилиб, Гўрўғлибекка бир сўз айтаверди:

Чини билан ошна дегин ўзимни,
Нима десам хатга битгин сўзимни!
Ҳам элимни, ҳам улимни топширдим,
Чамбилга опкетгин Чеҳра қизимни!

Аркон давлатимни сенга топширдим,
Ҳарна ихтиёрим сенга топширдим,
Ваянган элимдан бўлгин бохабар,
Хазнада заримни сенга топширдим,
Ҳар нима боримни сенга топширдим.

Бор бўлгин, ўлигимнинг эгаси,
Қайтай кетди, кўнглимнинг ҳаваси,
Ёнган чироғимни сенга топширдим.
Шу вақтгача катта қилдим мен ўзим,
Ўзинг бўлгин ой Чеҳранинг отаси!

Шон-шавкатимни сенга топширдим.
Ваянган юртимни сенга топширдим;
Ўзинг бўлгин икки боламнинг эгаси!
Бор, Гўрўғли, энди Чамбилга боргин,
Душманингни қўймай қувалаб киргин!

Райхон араб борган бўлса Чамбилга,
Зўрлик қилса, менга ҳам дарак бергин.

Ётадиган палла эмас, Гўрўғли,
Кеча-кундуз демай қистаб йўл юргин!

Очилсин ҳамиша кўнгилнинг гули!
Ўзингни ўртади арабнинг хили,
Шу вақтларда ётадиган вақт эмас,
Вақтли Чамбилга жўна, Гўрўғли!

Бола-чақа йўлиқмасин соқолтойнинг қаҳрига!
Гулчеҳражон кўнғироқнинг баҳрида,
Шу паллалар ётадиган вақт эмас,
Қистаб жўнайвергин Чамбил шаҳрига!

Ана энди Сахмон Гулчеҳрани олиб, тўқмоқ тўр ёл
отни Ҳасанхонга энчи бериб, ҳаммаси ёппа жўнаб кетди
Чамбилга.

Гўрўғли, Аҳмадбек, Соқибулбул ҳаммаси жўнаб кет-
ди. Ана булар Чамбилга қараб жўнайверсин, энди Рай-
хон арабдан эшитмак даркор.

Райхон араб тошдай Чамбилни [кўзлаб келаверди]:
Элсорининг чўлидан булқуллаб тўзон чиқаверди. Хур-
кинчилик пайдо бўлиб қолди. Энди мол боққан чўпон-
лар Райхон подшо келди деб, дарвозанинг оғзида турар-
ди. Бангибой чўпон Асқарга қараб бир сўз айтаверди:

Келди, келди-ай, бола-чақа ўлди.
Ширвон элдан, сувсиз чўлдан,
Райхон араб қибла билан,
Ширвоннинг элидан келди.

Қалтагини шағирлатиб,
Тоғнинг тошин доғирлатиб,
Соқоли киндикдан ўтиб,
Ширвон элини ияртиб,
Элсорини тўзон тутиб,
Ҳамма арабни хезлатиб,
Туяларини бўзлатиб,
Жунларини жалпиллатиб,
Райхон араб хуруш қилиб,
Тинмай қистаб юриш қилиб,
Ширвон элдан араб келди,
Туркманларга тараф келди.

Элсори бўлар тўла қон,
Бола-чақа бўлди яксон,
Емон тараф етиб қолди,
Маслаҳат бергин, Асқаржон!

Қиёматдан ёмон бўлди,
Юрган чўлни тўзон чолди.
Ширвон элидан қасд бўлиб,
Араб битган тараф бўлиб,
Чамбил элга Райхон келди.
Бача-чақа, хотин ўлди.
Эсизгина Юнусжонни,
Райхон подшо ўлжа қилди.

Ана Асқар бечора кўздан ёшини тўкиб, юраги қини-
дан чиқиб, Юнусжонга бориб, ўпкаси тўлиб, ранги гул-
дай сўлиб, Юнусжонга қараб бир сўз айтаверди:

Ваянганга беклар кетди бегумон;
Душман курсин, савдо солди шу замон.
Кун қиёмат бўлди, энди қайтайин,
Эсинг борди, маслаҳат бер, Юнусжон!

Ҳай аттанг, Гўрўғлибек бўлмади,
Ўлганимни қариндошлар билмади.
Райхон подшо бунда ёвлаб келганин,
Ваянганга кетган беклар билмади.
Райхон подшо бунда ёвлаб келганда;
Ўлигим эгаси, подшо бўлмади.
Ой Юнус маслаҳат қандай бўлади?

Райхон курсин ҳисобимни йитирдим,
Хафа бўлиб, қулоғимни битирдим,
Юнусжон, маслаҳат бергин ўзима,
Душман кўпди, калавамни йитирдим.

Сендан бошқа маслаҳатчим бўлмаса,
Ҳеч бир киши хабар олиб келмаса,
Маслаҳат бер, мендай хизматкорингга,
Сендан бошқа каттақоним бўлмас!

Ҳали замон араблар Чамбилга етар,
Бурқиллатиб жазонлини отар,

Теп-текис қип араб, Чамбилбелини,
Хотин-халажларни банди қип кетар.

Сендан бошқа ҳимоятим бўлмаса,
Якдастаман Ҳасан қўлбар келмаса,
Юнусжон, қайтайин, маслаҳат бергин,
Сендан бошқа куч-қувватим бўлмаса.

Райхон подшо келди Ширвон элидан,
Гап чиқади мендай куйган тилидан,
Ой Юнус, ўзима бергин маслаҳат,
Не иш келар хотинларнинг қўлидан?

Ана энди бунинг қўрққанлигини Юнус пари билди,
Райхон подшо келди. Ана энди Юнус пари Асқарга
қараб, мардоналик бериб бир сўз айтаверди:

Ғам ема ўзим савашга чиқарман,
Душманларнинг қадди-бўйин букарман,
Ғам емагин, лашкар кўпдир ўрдада,
Арабнинг қонини сувдай тўкарман!

Элсорига ҳангалатай лошини,
Мен қиларман арабларнинг ишини,
Душман келди, деб ҳеч хафа бўлмагин,
Кесиб ташлай арабларнинг бошини!

Отавергин, шохли милтиқ, ғам ема,
Ой Юнусни Гўрўғлидан кам дема!
Урушга оп чиқай Зайдин қизини,
Ҳазил дема, ой Юнуснинг сўзини!
Душман келди, деб кўкайинг чўкирма,
Қириб ташлай арабларнинг ўзини.

Элсори бўп қолар бунда кўчқил қон,
Бўйингдан бўлайин, Асқаржон, қурбон.
Душман келди, деб ваҳм тортмагин,
Қиёматли акам бўлгин, Асқаржон!

Тинмай отавергин, ака, милтиқни,
Вақтли чиқиб ол жевахонага!
Қувват билгин, акажон, айтган тилни!
Лашкар босиб келди занглаган чўлни,

Қиёмат бўлмайин фикр кетмайди,
Душман ололмайди ҳаргиз Чамбилни.

Дадил бўлиб, одамларга сўзлагин,
Эсон бўлсанг, қишдан чиқиб ёзлагин!
Райхон араб келиб қолса қўрғонга,
Чаккасидан вой-войлатиб кўзлагин!

Як кўз бўлиб писибгина ётавер,
Агар қўрқсанг бало тоққа кетавер!
Гўрўғлин тузини ўзинг ҳақласанг,
Кеча-кундуз тинмай милтиқ отавер!..

Асқарга бежой ғайратлар этди,
Асқарбек ўмганни кўтариб кетди.
Гап деганинг дадил қилар эканди,
Чопиб бориб жевахона устига,
Дарвозага тупроқ тўкиб бек Асқар,
Ғинғиллатиб шохли милтиқни отди.

Милтиқнинг овози оламни тутди.
Юнусхоннинг айтган яхши сўзиман,
Асқарбек шердай бўп, маст бўлиб кетди.
Ҳақлаб Гўрўғлибек берган тузини,
Баракалла, бек Асқар дарвозабон.
Чоқлама қип тинмай милтиқни отди.
Бу Асқарнинг милтиғи товушига,
Райхон араб қўшинини тўхтатди.

Юнусжон Чамбилдаги хотин-қизларни йиғиб, бор
топган гапни ўрталикқа уйиб, бир сўз айтаверди:

Ҳақ эшитсин аёлларнинг додини,
Эшитмади кетган бекнинг хотини,
Ёвгарчилик бўлди энди, ёронлар,
Ғайрат қинглар туркман элнинг хотини!

От бошига кун туғса,
Сувлиғиман сув ичар,
Эр бошига кун туғса;
Этигиман сув кечар.
Райхон подшо келибди,

Ажал кафанин бичар,
Зўрлик қилса араблар,
Хотин билан қизларни
Ширвон элга опқочар.
Араб банди қилганда,
Ҳолларингиз не кечар?

Қовоқларни уйинглар,
Қиз-хотинни йиғинглар!
Пўпакни ечиб ташлаб,
Сочни бошга туйинглар!
Хотинликни қўйинглар!

Сарбоз анжом кийинглар!
Ғайрат қинглар, аёллар,
Бош қаттиқми, тош қаттиқ,
Ғайрат қилиб ҳаммангиз,
Шопни белга бўғинглар!

Душман сирни билмасин,
Элга яқин келмасин!
Сарбози кийим кийинг,
Ҳамманг баландга чиққин,
Душман яқин келмасин!

Ғайрат қинглар, аёллар,
Гўрўғли келгунича,
Райхон подшо оралаб,
Семизингни саралаб,
Тағи овора қилмасин!

Ғайрат қинглар, хотинлар,
Дўст-душман бу гапни,
Ҳеч бир одам билмасин!

Отаверинг милтиқни,
Ед айланг қодир ҳақни,
Жонни сотинг, хотинлар,
Тинмай отинглар ўқин!

Даштда борди ўтинлар,
Мерган пилтани чўқлар,
Араб бунда келмасин,
Ғайрат қилинг, хотинлар!

Туни ухламай ётинг!
Сарбози кийим кийиб,
Қундуз баландга чиқиб,
Тинмайин милтиқ отинг!

Хотинларни йиғдирди,
Маст қип майлар қуйдирди.
Хотин-қизга ой Юнус,
Сарбоз кийим кийдирди...

Чиқиб олди пештоққа,
Хотинлар сарбоз бўлиб,
Қўзин юмиб бебахтлар,
Бош қаттиқми, тош қаттиқ,
Отаверди милтиқни.

Қочиб кетди элнинг ақлман ҳуши,
Гулдирайди Чамбилбелининг даши,
Райхон подшо ҳаммаси қулоқ солса,
Занглаб чиқди кўп милтиқнинг довуши.

Одам битган сарбоз кўп деб айтади;
Олдин юрмай кетин қараб қайтади,
Чамбил қўрғонида туриб кўп сарбоз,
Қуртдай қайнаб шохли милтиқ отади.

Ана энди Жалман қизилга қараб бир сўз айтаверди
араблар:

Сенга қарар, Райхон араб, воҳ дединг,
Шў вақтларда койиш кўрган вақт дединг.
Шуйтибгина бизни алдаб келдингми?
Чамбилбелда битта одам йўқ дединг,
Илоё, дингиллаб ўлгин, сен қизил.

Шуйтибгина баттолликни қилдингми?
Сен ғарибсиб бизни алдаб келдингми?
Илоё, зинкийиб ўлгин, Жалманбой,
Шунча одамларни сарсон қилдингми?

Дарё тошса шохоблари гум эди,
Уч ой боқса дол бедовлар тим эди.

Шунча сарбоз тинмай милтиқ отади,
Милтиқ отган шунча сарбоз ким эди?

Гўрўғлидан шуйтиб жонсиз бўлдингми?
Хонанг куйгир шуйтиб алдаб келдингми?

Ана энди арабларнинг бу ерда ўлишини кўринг. Ҳасанхонни миндириб, яшиндай оқиб Асқар тоғнинг устига чиқди [Ҳасан чопсон]. «Ана шу Чамбилда тинмай милтиқ отиляпти тарс-турс, пағ этиб. Ҳасан чопсон аччиғла-ниб, этагини тугиб олди. Унча тошни қўйнига солди. Ана энди Ҳасан чопсоннинг авжи келди. Ун беш кунлик ой-дай балқитиб Ҳасанхонни тоғнинг баланд чўққисига миндириб қўйиб, ана бу Ҳасан чопсон Темирхон подшо-нинг ўғли Ҳасанхонга қараб бир сўз айтди:

Сен тоғнинг устида тургин,
Урушни ўрганиб олгин!
Ҳангомани биздан кўргин,
Томоша қилгин, кўзингдан!

Урушни ўргангин биздан,
Жоним садағадир сиздан!
Арабларман урушайин,
Хабар олгин энди биздан!
Томошани кўрмоқ сиздан.

Ялласи, айлансин қора кўздан!
Сен айналгин, Ҳасан биздан!
Ол кетдим мен урушга,
Хабар олгин, Ҳасан, биздан!
Жонимни топширдим хаққа.
Опти араблар Чамбилни.
Ол кетдим энди якка.

Ҳасан чопсон шовқин солди,
Дабдабаси баланд бўлди.
Райхон подшонинг устига,
Худди мисли балодай бўп,
Тутаб ёнган чаладай бўп,
Ҳар от қўйиб келаётир,
Олди худди моладай бўп,
Шовдирайди арпадай бўп,

Келаётир Асқар тоғдан,
Қулоқлари кўрпадай бўп.

Ҳар чопади Ҳасан чопсон,
Қилтиқланган арпадай бўп,
Қулоқлари кўрпадай бўп,
Хамир қилган супрадай бўп.

Ана энди хотинлар Райхон подшо билан отишиб ётибди. Ҳасан чопсон идрайиб-идрайиб қарайверди. Қараса, Чамбилда танқ-танқ этиб милтиқлар отилаётибди. Ана энди Ҳасан чопсон Ҳасанни тоғнинг устига қўйиб, ғайрати жўш уриб, Ҳасанхонга:

— Қўрқмай, писмай сен шу тоғнинг устида ўтир,— деди. Шол калтакни қўлига олиб, бир-икки тошни қўйнига солиб, от қўйди. Райхон подшонинг қўшинига тикка бориб аралашди. Ана энди, ол келди, деб шовқин солиб Ҳасан чопсоннинг араблар билан урушгани:

Чопсон юраги тошди,
Кўрганнинг ақли шошди.
Ҳақлаб Гўрўғли тузин
Кўринг Ҳасандай чопсон,
Арабларман урушди.

Қон қип Чамбил даштини,
Кўринг Чопсон ишини,
Шол калтакни тўлғайди,
Майда-майда қилибди,
Арабларнинг бошини.

Ажалли ўлди, дейишди,
Гўрўғли келди, дейишди.
Ҳасан чопсон якка ўзи,
Арабларман урушди.

Улик узалиб қолди,
Анча одамлар ўлди.
Ғайрат қилиб бир ўзи,
Шунча ётган лашкарман,
Тушгача уруш қилди.

Тўхмон араб келди-да,
Банги баҳайбат тортиб,

Ҳасан чопсон гирдини,
Араблар қамсаб олди.
Ҳасан чопсон бечора,
Елғиз ўртада қолди.

Хотинлар жонни сотди,
Сарбози кийим кийиб,
Бош қаттиқми, тош қаттиқ,
Арабнинг қўшинига,
Тинмайин милтиқ отди.

Ҳасан чопсон бечора,
Кўп қўшиннинг ичида,
Ичлари куйиб кетди.
Уртада ёлғиз ўзи,
Елғизлик ёмон экан,
Қулоғи чиппа битди.

Тўхмон араб ғайрат қип,
Ушла, ушла қўрқманг деб,
Қистаб Чопсонга етди.
Шохмон араб бир тошни,
Нобоп қўлига олиб,
Чопсонни кўзлаб отди,
Чакалак томирига,
Бир учи тегиб ўтди.

Якка ўзи бебахтнинг,
Мийн¹ айланиб кетди.
Жон ҳийласин қилиб,
Қалтагини сермаслаб,
Қўшиннинг чаккасига,
Хез қилиб чиқиб кетди.
Ҳасанхоннинг олдига,

Кўп арабни ўлдириб,
Қистаб бечора етди.
Ўзгинасини жилдириб,
Ҳасанхонни кулдириб,
Бўйинига миндириб.
Ҳайт, деб Ҳасан чопсон,

Элдан ҳаққос узоққа,
Бало тоғига кетди.

Гўрўғли, Сахмон, кўп лашкар,
Ширвон элига етди.
Ширвон элнинг хотини,
Ҳуркинчилик бўп қолди.
Туркман ўзбек, олдига,
Холжувон чиқиб кетди.

Гулнинг борди ғунчаси,
Улдик деб чувлашади,
Арабларнинг бачаси.
Гўрўғлибек олдига,
Кўзларига ёш олиб,
Холжувондай чечаси,
[Элчи бўп чиқиб борди].
Анов ким, деб гаплашиб,
Шу қўшиннинг нечаси,
Чувлашади бачаси,
Томоша айланг Холжувоннинг ишига,
Қон тўкилган Чамбил белнинг даштига.
Ҳай аттанг, деб ўпкасини босолмай,
Бориб қолди Гўрўғлининг қошига.

Ана энди Гўрўғлибек Холжувонга қараб бир сўз
айтаверди:

Юракларим бўлиб кетди тўла қон,
Ҳамроҳ бўлмай мусулмонларга имон,
Қай вақт бўлди араб Чамбил кетгани,
Хабар бергин Гўрўғлига, чечажон?!

Ҳеч нарса кўринмайди кўзима,
Нима десам қулоқ солгин сўзима!
Араб битган қачон Чамбилга кетди,
Хабар бергин, чечажоним, ўзима?!

Араб битган отларини жилди экан,
Бало тоғнинг бошин туман чолди экан,
Қай вақт бўлди араб Чамбил кетгани,
Хотинларнинг ҳоли қандай бўлди экан?!

¹ Мияси.

Жун соқоллар ёмон савдо қилдими,
Кўча-кўча ўлик бўлиб қолдими?
Хаёлламай дарров гапир, чечажон,
Чамбилбелни қаллобилар олдимми?

Юнус пари хафа бўлиб қолдими?
Қандай билди мен Ваянган кетганим,
Қайтибгина Райхон араб билдикан?

Ана энди Гўрўғлибек бу гапларни айтди. Ундан кейин Холжувон Гўрўғлига қараб бир сўз айтаверди:

Остингда Фиркўк от ўйнар ҳар алвон,
Ботирга берибсан карк тери қалқон,
Хотинни чопганман обрў тўлами?
Ҳайдавергин Фиркўк отни, бачажон!

Араб борган йўқди Чамбил юртига,
Қулоқ солгин мендай чечанг додига!
Чамбил элни ебир-есир қилмасин,
Хом деб қарамагин отнинг бетига!

Офтоб тегмай боғларда гул сўлмайди,
Ботир бўлмай белга ханжар чолмайди.
Ҳайдайвер, бачажон, тинмай отингни,
Хотинни ўлдирсанг, обрўй тўлмайди!

Қулоқ солгин бачажон, айтган тилга!
Йигитлар ишқивоз сочи сумбулга.
Мени десанг, бачаларга тегмагин,
Вақтли бачажон, етгин Чамбилга!

Райхон подшо Чамбилбелга бормасин,
Ажалсиз неча одам унда ўлмасин.
Вақтли ҳайдайвер, қайним, отингни,
Чамбил элни узун соқол олмасин.

Бола-чақа кўчаларда сарсон бўп.
Кун қиёмат хотинларга бўлмасин.
Ҳайдайвер, бачажон, вақтли отни,
Хотин-халаж ташвиш кўриб қолмасин!

Еппа ҳайданг, ҳамманг бирдай қариндош,
Хотинларни банди қилиб келмасин,

Ўлганча туркманга таъна бўлмасин,
Икки юзим чирковул бўп қолмасин,
Қариндошга юзим тубан бўлмасин.

Ҳайдайвер қариндош тинмай отингни,
Ёмон қилма авлодингни зотингни.
Хотинлардан нима обрў оласан?
Бориб кўриб олгин Чамбил юртингни,
Бачажон, қўригин мамлакатингни.

Хом деб қарамагин отнинг бетига,
Қамчи ургин дол бедовнинг чотига,
Вақтли боринглар Чамбил юртига,
Дахл қилмай кетинг Ширвон кентига.

Ҳай чироғим, бунда ташвиш қилманглар,
Бола-чақаларни оғизга олманглар.
Ғайрат қилиб кетаверинг Чамбилга,
Хаёлламаманг, қистанг, йўлдан қолманглар.

Шу палла таламоқ хумсанинг иши; -
Сизлар ботир эрлигиндан қолманглар.
Диндан қайтиб араб кетди Чамбилга,
Ҳайданглар тезроқ, йўлдан қолманглар.

Ҳайдайвер, ҳайдайвер,
Араблар олмасин ўзбек элини.
Жунлилар олмасин Чамбил белини.
Ҳайданглар, чироғим, кетинг Чамбилга.

Йиғлаганинг ёш милдирар юзига,
Ҳамма ишонди Холжувоннинг сўзига.
Хотини қўрқиб қолди Ширвон элининг,
Омин, деб фотиҳа тортди юзига.

Томоша айланг Холжувон ҳимматини,
Талатмади Арабистон юртини.
Холжувоннинг гапи билан Гўрўғли,
Гала ўзбек миниб олди отини.

Ўқиб кўрди шу қизилнинг хатини,
Излайверди энди Чамбил юртини.
Сувлиғига қуйруқ бойлаб кўп қўшин,
Излар бўлди энди Чамбил юртини.

Юраги куйиб кетди,
Ширвон даштин чангитди.
Иш тараплаб Гўрўгли,
Элатига йўл тортди.

Тез ҳайданг, деб сўзлашиб,
Майиблардай бўзлашиб,
Жўнайверди Гўрўгли,
Чамбилбелни излашиб.

Ҳаммалари жон сотди...
Отларини ўйнатди.
Чамбилбелнинг беклари,
Доим чўлда йўл тортди.

Раҳм айлагай ҳолига,
Булбул қўнар гулига.
Гўрўглибек жўнади,
Жўнаб Чамбил элига,
Доим насвасиз чўлига.

Чарм мешга сув ортди.
Катта гўссам терисин,
Нечтасини тулуп қип,
Доим қистаб йўл тортди.

Кеча демайди, кундуз,
Бир нечалар жуфт бўлган,
Бир неча юриб ёлғиз,
Дарё тубида қундуз,
Намозшом чиқар юлдуз,
Раббано, деб жўнади,
Ҳам кеча-ю, ҳам кундуз.

Отларни ирғитди,
Тез ҳайданг, деб сўз қотди...
Туркман элнинг лашкари,
Тинмай қистаб йўл тортди.

Кеча демайди кундуз,
Юрак вағирлаб кетган,
Гўрўглибек ҳа, деди,
Гоҳ тўп бўлиб, гоҳ ёлғиз,
Чанг бўлибди қуло-туз.

Булбул қўнар зорига,
Пари эрам боғига¹.
Тахт ўн кун йўл юриб,
Айни саҳар бўлганда
Борди Асқар тоғига.

Кўп қўшин, ўлдик дейишди,
Қистаб юриб чарчашди.
Таппа, таппа ҳаммаси,
Шу тоғда отдан тушди.

Овқатини ейишди.
Юрагида чер эди,
Гуркираган эр эди,
Қаторинда нор эди.

Ажал яқинлаб етди.
Гўрўглибек зўр эди.
Қўрқоғи ваҳм тортди,
Ботир ҳушвақт бўп ётди.
Кўргилик-да, ёронлар,
Танқ этиб, тонг отди.
Уқиб намоз бомдодни,
Тонг отиб ёруғ бўлди.
Намоздан фориг бўлди,
Беваҳм семиз бўлди,
Қўрқоқлар ориқ бўлди.

Асқар тоғнинг устида,
Райхон араб қасдида,
Гўрўглибек қараса,
Лашкар булкуллаб ётир
Чамбилбелнинг остида.

Бу Ҳасан чопсон қурғур, Ҳасанхонни кўтариб, Бало тоққа қочиб кетди. Хотин бечораларнинг уруша-уруша, милтиқни ота-ота ранглари ўчиб кетди. Ана энди буни кўриб, Гўрўглибекнинг ҳар туки чопонини тешиб ўтиб, қўшинига қараб бир сўз айтаверди:

Яхши одамнинг элга кўпдир хотири,
Подшоларнинг жиловиди шотири,

¹ Боғида.

Уламан, деб асло хафа бўлманглар,
От қўйинглар Чамбилбелнинг ботири!

Кулоқ солинг гапнинг ёлғон-ростига,
От чопилар қирнинг баланд-пастига!
Тирик одамнинг элин душман оларми?
От қўйинглар, Райхон араб устига!

Итларга тортдириб ташланг гўштини,
Банди қилиб, синдириглар тишини!
Ҳеч қолмасин, ёппа-ёвлик от қўйинг,
Кесиб ташланг арабларнинг бошини!

Отларингни ҳар тарафга жилдириг,
Ханжар, найза қўллариға олдириг!
Ҳеч қолмасин, от қўйинглар, халойиқ,
Битта қўймай, арабларни ўлдириг!

Ўлдириглар, қуртлар есин гўштини,
Қизғалдоқдай қон қинг элнинг даштини!
Аридай от қўйинг барин устига,
Қилиб қўйинг арабларнинг ишини!
Ўлдириб, таланглар кирдикорини,
Эшитинглар мендай подшо зорини:
Аввал ўлдириглар катта пирини,
Қириб ташланг битта қўймай барини!
Ёппа-ёвлик от қўйинглар, халойиқ,
Ўлдириглар қарисининг барини!
От қўйинглар, ёппа-ёвлик шердай бўп,
Чилладаги гуркираган нордай бўп.
Тўкилиб от қўйинг баринг бирдай бўп!

Ҳар тарафдан мингта-мингта келинглар,
Ўрталикқа арабларни олинглар,
Танасини тўртов-бешов қилинглар,
Ё ўлинглар, ё обрўни олинглар,
Душман билан бир шекилли бўлинглар,
От қўйинглар, ёппа-ёвлик ҳаммангиз!

Кулоқ солди айтган сўзининг ростига,
Ҳеч ким йўлиқмасин душман қастига.
Шердай бўлиб ўзбек элнинг ботири,
Ёппа минди от-отининг устига;
Ҳамма бирдан Райхон араб қастига.

Худо раҳм айлагай сарбоз ҳолига,
Қорабош ўрдаклар ойдин кўлида.
Чоқ бўп миниб отларининг белига,
Банги ҳайбат уриб энди туркманлар,
Ўзбек, туркман найза олди кўлига.

Урушмоққа кўнгиллари тақ бўлди,
Ҳамма одамнинг димоқлари чоғ бўлди.
Анжом асбоб бари олиб кўлига,
Ўйнаб-кулиб вақти, кўнгли чоғ бўлди.

Ана энди Гўрўғлибек эсонликни тилаб бир сўз айта-
верди:

Сув тагида, дейди одам обини,
Қойил қилиб келдим Кўҳи Қофини.
Отингдан айланай, қодир оллойим,
Келиб ушланг қиличимнинг сопини.

Ким минса шу билар отнинг бопини,
Сайис олар илдам отнинг тобини.
Отингдан айланай, парвардигорим,
Ўзинг ушла ханжаримнинг сопини...

Шол ипакдай бўлар отларнинг ёли,
Ҳеч кимга тушмасин жудолик ҳили!
Райхон араб опти, Чамбил элимни,
Менинг кўлим эмас, пирларнинг кўли.

Араб, деб қочирдим бошдан ҳушимни,
Худоё, ўнгаргин қилган ишимни.
Қора каллам шу урушдан айлансин,
Дов тикдим урушга қора бошимни.

Сарғаймасин ўзбекларнинг сиёғи,
Уюлмасин хафа бўлиб қобоғи.
Урушда қўлла отамнинг арвоғи,
Отам, ушланг ханжаримнинг сопини!

Уруш, деб минганман мен Ғиркўк отни,
Овозам Ирамнинг боғига кетди.
Отам, деб ёд этдим ҳазрат Довудни,
Отам, ушланг ханжаримнинг сопини!

Ўзбек-туркман минди бедов отига,
Томоша айланг худонинг қудратига,
Хулкардай бўп, ҳаммалари тўп бўлиб,
Омин деб фотиҳа тортди бетига...

Қулоқ соп айтган сўзга!
Қарамай учган ғозга,
Омин, деди от қўйди,
Қалқонни тутиб юзга.

Айтган сўзи эп бўлди,
От битганлар жуфт бўлди.
Тўзон осмонни тутди.
Кеча-кундуз ухламай
Чамбилдаги хотинлар,
Юнус пари бош бўлиб,
Тинмайин милтиқ отди.
Қалқонни бетга тутди,
Омин, деди Гўрўгли.
Гулчеҳра тоғда қолди,
Хўп томошабин бўлди.
Шовқин солиб ҳаммаси,
Гулчеҳрадан бўлаги
Даста-даста бўлиниб,
Баланддан пастга олди.
Ҳамма ерни чанг тутиб,
Қулоқлар чиппа битиб,
Гўрўглининг лашкари,
Одамнинг шовқинига,
Еру осмон бир бўлди...
Чамбил ўртада қолди.
Ҳасан чопсон бир ёқда,
Бу гапларни ҳам билиб,
Бало тоғда ётганда,
Бир қўйин тошни олиб,
Бир теракни сугуриб,
Калтак қип етиб келди.

Арабларнинг ҳаммаси,
Қочарга йўл топмайин.
Кўзи кетди адирайинб.
Араблар гидирайинб.
Қочмоқликка йўл топмай,

Қулоқдан¹ қочган ўтга,
Қоши билан зулфлари,
Ўт қочиб куйиб кетди.

Бош қаттиқми, тош қаттиқ.
Хой балли Юнусжонга,
Жевахонадан тиклаб,
Элсори чўлни чоқлаб,
Қўрққанидан ҳаммаси,
Кўзин юмиб аёллар,
Тинмай милтиқ бўшатди...
Шол калтаклар шағирлаб,
Араб қолди вағирлаб.
Ўлганлари бигирлаб,
Қиёмат-қойим бўлди.
Очилмай гуллар сўлди.

Гўрўғлибек ғайрат қип,
Ҳар тарафга от чопиб,
Ўзин ўртага урди.
Аралашиб кўп лашкар.
Қиличини сермайди.
Калла битган дўлдай бўп,
Шу урушнинг ичида,
Тошдай думалаб қолди.

Оёқлари дингиллаб,
Шоли милтиқ зингиллаб,
Жони чиқмай танадан,
Оёқ дингиллаб қолди.

Ширин жонлар сотилди,
Тупроққа қон қотилди.
Чамбилнинг қўрғонидан,
Тинмай милтиқ отилди.

Илдам отлар қутулди,
Емон чўбир тутилди.
Элсорининг чўлида,
Бежой одам қирилди.

¹ Милтиқ қулоғидан дейилмоқчи.

Қочганини қайтариб,
Ҳасан чопсон кес-кеслаб,
Хон Ҳасанжон бўйнида,
Тинмайин уруш қилди.

Ҳеч бўлмади сўроғи,
Қўлида тик терағи.
Борқирайди шу чопсон,
Бир тўп терак яроғи.

Терагиман уради,
Яшиндай бўп юради.
Элсорида арабни,
Тинмай қувиб қиради.

Араб ўзин тўхтатди,
Кам-кам ишни беркитди.
Жар оғзига қон қотди.
Бир-бирига от қўйиб,
Кам-кам ишни ўхшатди.

Улик қолди чалкашиб,
Семизи гупдай ишиб.
Бир-бирин чоғин олиб,
Бир-бирига тўғишиб,
Ёмон кўп уруш бўлди.

Тағи бир кун ўтганда,
Чошка-чошка бўлганда,
Райхон, Тўхмон, Шохмон араб,
Гўрўғлини учови,
Ўлдир, ўлдир, дейишиб,
Қистаб ўртага олди.

Терагини сермаслаб,
Ажалга ҳийла йўқди,
Шу Чопсон етиб қолди.

Кўрар эди хўрликни,
Чопсон етмаганида.
Қилар эди зўрликди,
Шу теракни кўтариб,

Энди Райхон подшонинг
Елкасига бир солди.

Райхон араб ўлдим деб,
Мия айланиб қолди.
Гўрўғлибек ўзини,
Андак чеккага олди.
Ҳали ўзи ёш эди,
Андак бачалик қилди.
Дамини ростлаб олиб,
Соқоллари тирқираб,
Туядай бўп гурқираб,
Чўян бошлик калтакни,
Шу Райхон қўлга олди.
Бежой кўп уруш бўлди.
Кўп йўл юриб келувди,
Отлар чарчаб қолувди,
Айни иккун ўтганда,
Араблар зўрлик қилди.
Ҳасанхоннинг синглисин,
Энди аччиғи келди.

Гулчеҳра пари Сахмон полвонга қараб бир сўз айтди:

Мана даштлар бўлиб кетди тўла қон,
Гўрўғлибек ўлар бўлди бегумон.
Ваянганда сиз ҳам полвон кишисиз,
Гулчеҳрага маслаҳат бер, Сахмонжон!

Сирни билди араб зўрлик қилади.
Ким яхши, ким ёмон худой билади.
Отамнинг вазири, беринг маслаҳат,
Элисиз, маслаҳат қандай бўлади!?

Олло қилгай Гўрўғлига далолат!
Орттирди араблар қайтайин кулфат.
Кўрмайсизми, зўрлик қилди араблар,
Отамнинг полвони, беринг маслаҳат!

Маслаҳат берингиз, бари ўлади,
Хотин битган есир бўлиб қолади!

Маслаҳатни энди сиз бермасангиз,
Ҳасанхон акам ҳам қўлли бўлади.

Маслаҳат бер Гулчеҳрага, вазирим,
Вазиржон маслаҳат қандай бўлади?

Ғайрат қилиб, кириб қолдим хурушга,
Рози бўлиб эдим чўлда юришга.
Ҳеч тоқатим менинг, бобо, қолмади,
Жавоб беринг мен ҳам кирай урушга.

Ҳарна бўлсам акам билан бўлайин,
Бу калламни этагига солайин.
Жавоб беринг, кирай ўзим майдонга,
Акажонимдан илгари ўлайин!

Энди биз ҳам ўзбекларман тир бўлдик,
Улиб кетсак жаннатдаги ҳур бўлдик.
Араб зўрлик қилди тоқат қолмади.
Гўрўғлиман моли-жонлар бир бўлдик.

Жавоб беринг, кирай ўзим урушга,
Зўрларига бориб найза солайин,
Қазо тўлса шу урушда ўлайин.
Жавоб беринг, кирай энди майдонга,
Араб билан бир шекилли бўлайин.

Зўрларининг қора қонини тўкиб,
Калласини танасидан олайин,
Ё ўлайин, ё обрўни олайин,
Арабларман ўлгунча ғаш бўлайин,
Жавоб беринг, энди менинг ўзима,
Арабларман бориб шуйхон қилайин.

Ана энди Сахмон полвон Гулчеҳрага қараб бир сўз
айтаверди:

Гулчеҳражой, ранггинг гулдай сўлдими,
Ўзгинанга бирор нарса бўлдими?
Гўрўғлибек билсанг сенинг тарафинг,
Зўрлик қилса номусгинанг келдими?

Нима десанг айтганингни қилайин,
Ўл десанг ўлайин, ханжар олайин,
Бориб арабларга зўрлик қилайин,
Мен урушсам ишим уят бўлмайми?

Бориб туриб, тилка-тилка қилайин!
Оқ фотиҳа бергин эса ўзима,
Мен урушсам, ишим уят бўлмаса,
Дуруст бўлса мен майдонга кирайин.

Омин деб, фотиҳа тортгин бетингга,
Қойил бўлдим Гулчеҳра ҳимматингга,
Баракалла, Чеҳражон, савлатингга,
Ишимиз тагин-а уят бўлмаса,
Омин деб, фотиҳа тортгин бетингга.

Ана энди Гулчеҳра Сахмон полвонга қараб бир сўз
айтаётгани:

Ҳангомада тишим оппоқ, дур киши,
Ҳеч ким билан бўлмас кам ғайрат иши.
Алваъдайн бир гап бордир орада,
Гўрўғлиман икковимиз бир киши.

Қайғу кулфат бобомизга солмасин,
Райхон подшо душман бўлиб қолмасин,
Миниб олинг отингизни тезроқ.
Шовқин солинг, Гўрўғлибек ўлмасин.

Омонат, ўйласам тандаги жон-а,
Ҳар ким омон-юрсин ўсган маконда.
Вақтли миниб онг дол бедов отни,
Хаёлламай дарров киринг майдонга.

Қуласин тоғларга арабнинг лоши,
Унғарилсин Гўрўғлибекнинг иши,
Тез-тез боринг ҳаялларга вақт йўқдир.
Энди бўлсин Эралининг саваши!

Гулчеҳра кўп гап айтди,
Қулоқлар ғувлаб кетди.
Сахмон билан Гулчеҳра,
Мисли Рустамдай бўлиб,
Банги баҳайбат тортди,
Оч бўридай иккови,
Қистаб майдонга етди.

Сахмон ўзи эр экан,
Гулчеҳра ҳам шер экан.

Тўхмон билан Шохмонга
Иккови қистаб етди.
Сахмон ғайратни қилиб,
Шохмон араб қўлини,
Болта билан бир уриб,
Қўлини юлиб кетди,
Энди урган болтаси,
Йўғон сонига ботди,
Вой ўлдим деб, шу Шохмон,
Чўртта ўзидан кетди.

Гулчехра ғайрат қилиб,
Тўхмон араб олдига,
Бориб найза узатди,
Уткир экан найзаси,
Чакалак томиридан,
Гирч этиб тешиб ўтди.

Тўхмонни вой-войлатди;
Қадди ёйдай букилди.
Қўчқил қони тизилаб,
Араб қочди изиллаб,
Илдам отлар ғизиллаб,
Емон отлиси бўзлаб,
Қўринг энди араблар,
Қоч-қоч дейишиб сўзлаб,
Улик думалаб қолди.

Сахмон полвон зўр эди,
Арабга ғолиб келди.
Икки ёқ қўшинидан,
Кўп одам ўлиб қолди.
Қочган ёвда қорув йўқ;
Сахмоннинг дами билан,
Ушла жунлини, дейишиб,
Туркман, ўзбек шовқин соп,
Энди кўринг арабни,
Хароб қилиб тарафини,
Кўринг энди Гўрўгли,
Қувди Райхон арабни.

Ўзбекларнинг кўнгиллари жўш урди.
Жунларини ялпиллатиб арабни,

Эси-ақлин чўртта-пўртта шоширди,
Соқоллари тирқираб қочди араблар.
Хўкиздай буркираб қочди араблар,
Тағи уч кун эл сориди урушиб,
Айни пешин, айни пешин бўлганда,
Асқар тоғдан ошиб қочди араблар.

Кўрганларнинг юраклари қайнади,
Чин тулпорлар кўп чопилса ўйнади.
Сахмон полвон, ой Гулчехра тинмади.
Гўрўглибек ғайрат қилиб ёронлар,
Шу Райхонни тизилишиб ушла, деб,
Жунларини жилвиратиб арабни,
Ушла дейишиб, тойдай қилиб ҳайдади.

Улик тўлиб Элсорининг чўлига,
Раҳм айламай арабларнинг ҳолига,
Тизилишиб чувлаб қочди араблар,
Асқар тоғда жонни сотиб ҳайдади.

Соқоли тирқираб, товуши бурқираб,
Жон деганинг ширин экан халойиқ,
Араб қочаверди Ширвон элига.

Кўп одам ўлиб қолди,
Ул отага боқмайин,
Қиз энага боқмайин,
Шердай бўлиб туркманлар,
Гувалак қувган биядай қип,
Сўна чаққан туядай қип,
Қаталоқ бўлган хўкиздай қип,
Ушла арабни дейишиб,
Туркман, ўзбек шердай бўп,
Энди сонсиз арабни,
Тинмай қувиб ҳайдади.

Тушмай¹ араб тилига.
Булбул боғнинг гулида,
Қуртдай қайнаб араблар,
Қочди Ширвон элига.

¹ Тушунмай.

Ҳамма ерни чанг тутди,
Уруш кўп ёмон экан,
Одам дунёдан ўтди.
Ғажир билан қузғунлар,
Ўликни тишлаб тортиди.

Арабларни туркманлар,
Ушла-ушла дейишиб,
Ширвонга қувиб кетди,
Қочди сувсиз чўлига,
Ҳақ калмаси тилида,
Араб битган чувиллашиб,
Қочди Ширвон элига.

Ўткир қилич қўлида,
Узун пўта белида,
Ётганини ўлдириб,
Араб битган дод, дейишиб,
Қочди Ширвон элига.
Ғажир қўнди гўштига,
Қойил туркман ишига,
Гўрўғлибек, туркманлар,
Қува-қува чувиллашиб,
Ўлик думалаб қолиб,
Тизилишиб, қувишиб,
Араблар ўлдик дейишиб,
Қочиб борди Тажан дарё бошига.

Гулчеҳра, Саҳмон вақтин хушлади,
Қиличини маҳкам қўлга ушлади.
Вой ўлдик деб, соқоллар тирқирашиб,
Гумб эткизиб шу дарёга ташлади.

Илдам отлар дарёдан суриб ўтди.
Ажаллисин балиқ тишлаб оп кетди,
Жон деганинг ширин экан, ёронлар,
Қўрққанидан ташлаб Тажан дарёга,
Кўпларини наханг балиқ еб кетди.

Ўлган ўлди, қолган қолди, халойиқ,
Ажали етмаган дарёдан ўтди.
Терагини тўлаб-тўлаб шу Чопсон,
Дарёдан қувалаб Ширвонга кетди.

Ўлик қолди от чопилган чўлида,
Ғажир қўнди ўликларнинг мўлига.
Саҳмон ҳам дарёдан ўтди ғайрат қип,
Ҳасан чопсон, Саҳмон полвон иккови,
Арабларни изиллатиб, ушла деб,
Тўп қип қуваверди Ширвон шаҳрига.

Қуло-чўлди, бурқиллади чанг тутди,
Саҳмоннинг ғайрати жўш уриб кетди,
Араб битган оти терлаб, чарчашиб,
Шу қочгандан Ширвон элига етди.

Арабларнинг бежой ақлин шоширди,
Ширвон элдан туркман, ўзбек келди деб,
Дарвозани маҳкам қилиб қўшурди.
Ўлик тутиб қолди Элсори чўли.
Ҳангамада сўйлар каттанинг тили.
Араб битган борди Ширвон элига,
Талатўп бўп қолди Ширвоннинг эли.

Бола-чақа туркман келди дейишди;
Кўрганларнинг ҳисоблари йитишди.
Холжувон хушвақт бўп қолди қутуриб,
Араб битган ҳисобини йитириб.

Араб бориб Холжувоннинг олдига,
Туркманингни қайтар, қайтар, дейишди.
Ҳасан чопсон шу Саҳмоннинг ортидан,
Бурқиллаб ёв орқасидан етишди.

Йиғламай найласин, гул ранги сўлди,
Арабларга қаттиқ бедахат бўлди.
Гўрўғлибек туркман элнинг ботири,
Орқасидан лашкар тизилиб келди.

Қўрғон даласига лашкар тўп бўлди.
Манманлик ёмон экан, ёронлар,
Манманликман бориб эди Чамбилга...
Райхон араб қочиб кирди қўрғонга...

Ўлик битган Элсорида жўп бўлди.
Араб билан Гўрўғлибек урушди,
Райхон арабнинг достони озроқ,
Араб битган подшоликда тўп бўлди.

Арабларнинг кўнгли кетди бузилиб,
Лашкар келди Чамбил элдан тўзилиб.

Ана энди қиёмат бўлди, Ҳасан чопсон қўрғонни одам кирадиган қилиб бузиб олди. Улдинг, араблар, деб шовқин солди. Ана энди Гўрўглибек қайтариб, одам битганни тўплаб, сарбоз, навкарларни жуфтлаб, от битканни даплаб, тезлаб, қилич-шопни чоқлади. Ана энди гапни араблардан эшитмоқ даркор.

Райхон подшо оти ҳам қон, ўзи ҳам қон, хафа бўлиб, мукка тушиб ётди. Араб битган Холжувоннинг олдига тўп бўп [борди]. Бир Заррин (деган) дўсти бор эди. Заррин дўсти бориб Холжувонга қараб бир сўз айтаверди:

Кўнглимда кўп эди менинг ҳавасим,
Қариндошинг бўлди бизларга хасим¹,
Бир сўзим бор сизга малол келмаса,
Сўзима қулоқ сонг Холжувон дўсим!²

Худойнинг ишини энди нетайин,
Евгарчилик қони — зардоб ютайин,
Дугона қулоқ сонг айтган сўзима,
Ички сирни ўзим сизга айтайин.


Улик тутиб кетди энди далани.
Боғлардан терганмиз тоза лолани,
Жон дўстим, қулоқ сонг айтган гапима,
Қайтариб юборинг келган балони!
Улик тутиб қопти юрган далани.

Раҳм айлангиз арабларнинг ҳолига,
Улик сулаб Асқар тоғнинг чўлига,
Жон дўстим ҳурмат қинг мендай ошнангни,
Чамбилга қайтаринг келган балони!

Қирилибди пешонасин силаб ол,
Сиз шоирсиз гапни гапга улаб ол,
Қариндошинг қувиб кепти Чамбилдан,
Арабларнинг ўлим ўтин тилаб ол.

¹ Қасд.

² Дўстим.



Араб битган чўлни, тоғни кезибди,
Йиғлай-йиғлай кўздан ёшин тизибди.
Арабларни яраштиргин дугона,
Бир ўзини калтак билан қулатиб,
Шу қўрғонни қариндошинг бузибди.

Оқсоқоллик қилинг энди Холжувон,
Ширвон эли бир худойга ёзибди,
Жонидан араблар умид узибди.
Улганларга бўпти чўртта қиёмат,
Туркман кепти Чамбил элдан бенаҳат!

Бориб тиланг арабнинг гуноҳини,
Туркман эли Ширвон шаҳри бир давлат!

Ана энди Холжувон, хайр, деди. Ўз куйгани ўзига
озмиди. Райхон подшога қараб, кулли арабларга қараб,
Холжувон бир сўзни айтаверди:

Ҳа-ё, тенгсиз, қулоқ сонглар,
Билганингдан қолмадинглар,
Насиҳатни олмадинглар,
Айтганимда бўлмадинглар.
Хўб бўлсин, мўл бўлсин,
Туркман элдан ҳайдаб келган,
Хотин-қизинг қутли бўлсин.
Ширвон дашти ўтли бўлсин,
Сигирларинг сутли бўлсин,
Олган ўлжанг, ботирлигинг,
Соқоли ўсиқ араблар,
Сатта, тенгсиз, қутли бўлсин.
Биттанг қолмай баринг ўлгин!
Буйтиб қочиб келганча,
Бўйни жунли сатта араб,
Ҳаммангиз қирилиб ўлгин!

Қулоқ сонглар сўзга, араб,
Бўлдими ҳолларинг хароб?
На ҳаддинг бор жўйқонсизлар,
Бўлдинг туркман билан тараф,
Хўб бўлсин, мўп бўлсин!

¹ Бенаҳоят.

Бориб тилай гувоҳингни,
 Эндиги жанжал соп бўлсин.
 Э ҳик, э ҳик шарманда, араб!
 Подадай гуркираб кетдинг.
 На ҳаддинг бор, жунбосганлар
 Бўлдинг ўзбек билан тараф?
 Қани ўлжа, мана ўлжа,
 Аввал хўп маслаҳат қилгин,
 Сап номарддан сарбоз олгин.
 Машқ бериб тарадди қилгин,
 Зўрлигингга ишонмагин,
 Эслилардан сўраб билгин,
 Бўйтибгина талтаймайин,
 Жўйқонсизлар баринг ўлгин.
 Бундан буён нима иш қилсанг,
 Ўзгинамдан сўраб қилгин,
 Аттар бўл, бадтар бўл!
 Тоза гулдай сўлиб қонглар,
 Ҳақ паймонанг тўлиб қонглар.
 Буйтишиб одам бўлгунча.
 Битта қолмай ўлиб қонглар.

Талтайишиб лашкар қилдинг,
 Чини билан тараф бўлдинг.
 Хотин-қизни ҳайдайман деб,
 Жўйқонсизлар, қочиб келдинг.
 Жунинг жулвирамай ўлгир,
 Назаркарда туркманимни
 Сатта, тенгсиз, нима қилдинг?
 Жунинг ялпиламай ўлинг!
 Бундан бу ёққа уруш қилмай,
 Бориб Чамбилнинг элига,
 Туркманга подачи бўлинг,
 Хўб бўлсин, мўп бўлсин.

Ана энди араблар айтди: «Бу хотиннинг эси бўлса,
 шундай гап айтами? Ўз куйганимиз ўзимизга етмайми?
 Бу нима деган гап? Давлат ҳам эгиз, меҳнат ҳам эгиз.
 Ҳар иш қилди, худой қилди. Райхон араб туркмандан
 хотин олмаган экан, бир бало олган экан. Бизларга бир
 кип-қизил тараф келган экан. Бу Холжувонга бир бало
 бўлган экан. Ҳар гап бўлса индаманг-индаманг, деди.
 Холжувон буни билди. Юз чоқли сулув хотин ювиниб,

тарашиб, адрас, заррин кимхобга ўраниб, товусдай
 тарашиб, ҳаммаси саллона-саллона юз бир йўргани
 шайлаб, сатта сулув келинчаклар Холжувонга қараб,
 юринг эса, деди. Юз бир йўрганинг белига миниб, Хол-
 жувоннинг салтанати кўчаларни тенгзалтириб, Гўрўгли-
 бекнинг олдига чиқиб кетди. Гўрўглибекка битта суйин-
 чихўр жўнатди. Суйинчихўр кетди. Гўрўглибекнинг ол-
 дига сулув келинчак етди. Ана салом бериб, Гўрўгли
 подшога қараб, зулфларини тараб бир сўз айтаверди:

Қайтайин танада қолмади дармон,
 Ҳеч иш бўлмас бир худойдан бефармон.
 Гўрўгли подшойим, беринг суйинчи,
 Келаётир Ширвон элдан Холжувон.
 Йўргалари кўчаларда тебиниб,
 Келаётир ўтга ўхшаб қобиниб,
 Гўрўгли подшойим, беринг суйинчи,
 Холжувон чечангиз сизни соғиниб.

Йиғлаб қолди элатда бир нечангиз;
 Очилар боғларда гули гунчангиз.
 Гўрўгли подшойим, беринг суйинчи,
 Келаётир Холжувондай чечангиз.

Боғ оралаб боғотдан гул тергани,
 Ҳар ким ўз элида даврон сургани.
 Гўрўгли подшойим, беринг бир нарса,
 Келаётир Холжувонжон кўргани.

Келаётир ҳар алвонда сўзларман¹,
 Қўлга олиб томошага созларман.
 Гўрўгли подшойим, беринг бир нарса,
 Келаётир сатта сулув қизларман.

Юз туманли сап кўнглида нозларди,
 Келса айтиб қолар яхши сўзларди.
 Гўрўгли подшойим, беринг суйинчи,
 Олиб келаётир сулув қизларди!

Айтиб берар Арабистон сўзини,
 Ҳар ким кўнгли мард билади ўзини.

¹ Сўзлар билан. Кейинги мисралардаги «ман» қўшимчаси ҳам
 «билан» деб ўқилади.

Гўрўғли подшойим беринг суйинчи,
Оқсоқол қип арабларни яртиб,
Олиб келаётир сулув қизини!

«Холжувон келди, келди» бўп қолди. Қўшин тарқаб қолди. Холжувоннинг олдига томоша қилгани чопиб-чопиб чиқиб кетди... Неча салтанат билан Холжувонни Гўрўғлибекнинг олдига олиб етди. Ана Холжувон Гўрўғлибекка салом берди. [Гўрўғли унга] ўрин кўрсатди, ўлтирмади. Ана Гўрўғлибек Холжувон чечасига қараб бир сўз айтаверди:

Сўйлаётган югурик қизил тил бўлсин!
Кўнгил суйса қизнинг лаби бол бўлсин!
Салтанатман чеча бунда келибсиз,
Одобли, иззатли меҳмон йўл бўлсин?

Отларга ярашган ёлу дум бўлсин!
Душманларнинг юраклари ғам бўлсин!
Сиз келибсиз бунда сулув қизларман,
Ҳақиқ таққан Холжувонжон, йўл бўлсин?

Чин сулувга дона-дона хол бўлсин!
Қулоннинг юргани сувсиз чўл бўлсин!
Қаддингдан нетайин Холжувон чеча,
Салтанатли азиз меҳмон, йўл бўлсин?

Араб душман бўлди бунда бегумон,
Қайтайин дунёси қурсин бепоён.
Йўл бўлсин бўларди гапнинг энаси,
Йўл бўлсин, салтанатли Холжувон?

Қишда тоғнинг бошидан кетмас туман,
Арабистон савдо солди ҳар замон.
Йўл бўлсин бўлади гапнинг отаси,
Йўл бўлсин, салтанатли Холжувон?

Душман бўлиб араб тушди изима,
Нима десам қулоқ солгин сўзима!
Ҳам энамсиз, ҳам чечамсиз, Холжувон,
Ҳарна сирни айтавергин ўзима.

Йўл бўлсин, еалтанатли Холжувон,
Йўл бўлсин, жоду кўзли Холжувон?
Бўлган гапни айтиб бергин ўзима.

Ана Холжувон Гўрўғлибекка қараб бир сўз айтаверди:

Арабларни қилдинг ўзинг пиёда,
Аламларни қилиб келдинг зиёда.
Қайғу-кулфат кўрма мана дунёда,
Ҳар гапинг дардима дармон, бачажон,
Давлатинг ҳамиша бўлсин зиёда,
Душманларинг бўлсин ҳамиша пиёда!

Эшитгин, чирогим, ўзимдан додди.
Давлат деган ҳар одамга навбатди.
Йиғлай-йиғлай қолдим ўзим ўрдада,
Жалман қизил келиб арабга айтди:

Ваянганга туркманлар кетди, деди,
Йиғштириб Ширвон элдан арабди,
Чамбилнинг элига жунлилар кетди.

Муродингни олло берсин, бачажон,
Обод бўлсин туркманнинг мамлакати.
Ночор чиқиб келдим сенинг олдинга,
Соқол тойнинг аҳди бузилиб кетди.

Туркманларга савдо соламан, деди,
Чамбил элни бузиб келамап, деди.
Мен аёлман, иложимни топмадим,
Хотинларни ҳайдаб келамап, деди.

Чалдираман ўзим созларни, деди,
Оп келамап сулув қизларни, деди.
Қасам уриб кетди Райхон подшони,
Ўлжа қилиб Ширвонга опкеп бўлиб,
Ўлжа қиламиз деб хотин-қизларни.

Қайтайин мен ўзим жонларни сотдим,
Дуо қилиб қўлимни бетима тортдим.
Йиғлай-йиғлай сускинларим қийилиб,
Ваянган шаҳрига одам жўнатдим.

Йўрға отин Ваянганга жиддирдим,
Қариндошнинг ҳамшиша кўнглини тўлдирдим,
Мен аёлман, нима иш келар қўлимдан?
Бўлган ишни ўзим сизга билдирдим.

Қайтайин туркманлар жонини сотиб,
Обру тошиб, Ваянган эддан қайтиб,
Эсон-омон келиб Ваянган эддан,
Арабларни Элсорида қийратиб,
Уликларин йилқибонга суиратиб,
Дарёларда балиқларга едариб,
Ширвоннинг элига қувалаб етиб,
Уликларин чулларда думалатиб,
Иншоолло, етдим мурод-мақсадга,
Сизлар қувиб келдинг бунда арабни,
Қўягилганим келди қайтадан ўсиб,
Туркманни душманнинг йўлини тўсиб,
Қувиб келди бунда сонсиз арабди.
Арабларнинг кўрган кўши харобди(р),
Алҳамдулилло, келдим муродга етиб,
Бу калламни келдим этакка солиб,
То ўлгунча сизга хизматкор бўлиб.
Ҳар гашиг дардида дармон, чирогим,
Тағи келдим сизга оқсоқол бўлиб.

Гапни гапга улаб келдим,
Зулфларимни силаб келдим.
Арабларнинг гуносини,
Ўзим сиздан тилаб келдим.
Қабул қилинг тавбасини...
Туркманларим, қариндошлар,
Утинг араб гуносини.

Кетар юракдан ўйини,
Кўринг қиларининг бўйини,
Оқсоқол бўп келдим, қайини,
Утинг араб гуносини.

Ҳамма араб бориб менга йиғлади,
Сизлар учун менга тавба қилади.
Подшоларда сулҳ деган бир гап бор,

Оқсоқол бўп келиб Холжувон чечани,
Арабларнинг гуноҳини тилади.

Арабистон эли бориб чувлашиб,
Қулоқлари қолти бари гувлашиб.
Туркманларни қайтаргин, деб чувлайди,
Араб битган бари борди гувлашиб.

Уста урар болғасманга табарди,
Холжувон гапирмакка чеварди.
Кўп йиғлади, раҳмин келди, бачажон,
Оқсоқол қил мени сизга юборди.

Жонимни жонингга айтайин қурбон,
Қизнинг юзи гулга бўлади хирмон.
Кўп қўрқибди, араб битган йиғлади,
Оқсоқол бўп тағи келдим, бачажон.

Уликлар чалнашиб қолти далада.
Худой раҳм айлаган сиздай болага.
Подшоларга оқсоқол ҳам даркорди,
Қадрдон Холжувон тушди орага.

Ана энди. Ғўрўглибек меҳрини тош қилиб, кўнглини
жўш қилиб, Холжувон чечасига қараб бир сўз айта-
верди:

Оқсоқол бўп яна бунда келдингми?
Арлаганга¹ сен талтайиб қолдингми?
Ўзбек халқи кўп боври мўл келади,
Арлаганга сен биринга бўлдингми?

Бир нечалар қаддим ёйдаёй бўкдим,
Араб битган кўздан ёшин тўкдим,
Йиғлаганга сен тағин-а кўндингми,
Туновги гап эганингдан чиқдимми?

Ўзгинангни фирибгарлар галлабди,
Соқолни ўсиқ араблар тиллабди.

Ишонмагин жўйқонсизнинг гапига,
Жун босган араблар сизни алдабди.

¹ Ардоқлаганга.

Кўтармалаб сенга сўзни мўллабди,
Худой деса асло кўнма сўзига,
Жун босган араблар сени алдабди.

Лабзи йўқди, Райхон подшо қаллобди,
Талтайтириб катта одам қип ўзингни,
Фирибгар араблар бари қаллобди.

Нима деса қулоқ солма сўзига,
Кўп урушгин жўйқонсизнинг ўзига.
Қариндошинг зўр, деб сени шишириб,
Қарамагин жўйқонсизнинг кўзига.

Ҳали ҳозир ёлғон-яшиқ айтади,
Бир кунлари айтиб гапдан қайтади.
Бир кун кам куч бўлсам ўзим Чамбилда,
Лашкар тортиб тағи устима етади.

Сен туновин яраш қилувдинг чеча,
Эсидан яқинда чиқиб кетади.
Ишонмагин виждонсизнинг гапига!
Асло кўнма лафзи йўқнинг сўзига!
Хон талови қилай Ширвон элини,
Туркманларни эр қил сулув қизига!

Фиркўк отгинама қамчи чотайин,
Ширвон элга мен оралаб кетайин.
Гўшдор, тўшдор сап пешнобли қизларни,
Чамбил элга ўлжа қилиб кетайин.

Қийғос қилай ўзим Ширвон элини.
Менга кўрсат хотин-қизнинг мўлини!
Ўлжа қилиб олиб кетай Туркманга,
Лола гулдай қилиб Ширвон чўлини.

Бу сафар ўртага тушма, Холжувон,
Вайрон қилиб кетай Ширвон элини.

Ана энди Холжувон Гўрўғлибекка қараб, Гўрўғли-
нинг жавобига яраб, арабларнинг гуноҳини сўраб, бир
сўз айтаверди:

Шу сафар ҳам қилсанг чечангни хурсанд,
Юрган жойинг бўлсин боғ билан бўстон!

Сўзи ўлгани — ўзи ўлгани одамнинг,
Шу сафар гуноҳин ўтгин, бачажон!

Марду номардлигинг ўзим синайман,
Мен куйганман, гапни гапга улайман,
Шу сафар ҳам суханимни синдирма,
Арабларнинг гуноҳини тилайман!

Бедовлар чопилар сувсиз далага,
Ҳамиша сизиндик қодир худога.
Мени десанг тегма Ширвон шаҳрига,
Холжувондай чечанг тушди орага!..

Энди қилинг, қайним, сўзнинг адосин!
Холжувондай чечанг бўлди оқсоқол,
Ўтинг, қайним, арабларнинг гуносин!
Арабларнинг ёнган чироғи ўчади,
Қалъа борган карвон саҳар кўчади.
Бу ишингиз, қайним, уят эмасми?
Қочган ёвни хотин суриб санчади?

Олқорнинг юргани дала эмасми,
Бу ишингиз, билдим, ҳийла эмасми?
Қочиб келди араб битган Ширвонга,
Қайним, бу ишингиз уят эмасми?

Холжувон бечора аёл, заифди (р),
Кўп қирилиб араб битган койибди.
Туркманларим, ишинг айб эмасми?
Ширвон элга даҳл қилсанг айбди (р).

Кўп қўрқибди, узр айтди араблар.
Емонликни Райхон подшо қўйибди.
Узр айтиб, кўп йиғлади араблар,
Қизилига жўйқонсизлар тегибди.

Бадавлатсан ўзинг туркман юртинга,
Бечоралар дуо қилар ортинга.
Арабларни талаб кетсанг, қайним,
Бошқа шаҳар, бошқа подшо эшитса,
Вой энағар, иши айб бўпти, деб,
Лаънатнома айтар сенинг бетинга.

Кеча-күндүз, сано айтганди тилим,
Аёл бұлсам¹, күпди ўзимда билим.
Дўсту душман хайф сенга демасин,
Эр кишига икки номус бир ўлим!

Фуқаронинг гуноҳини тилайман:
Дуо қилсин, бұлма ҳеч кимга зомин.
Дуо олган хор бўлмайди дунёда,
Яхшиликка дуо даркордир, қайним!
Арабларнинг гуноҳини ўтсангиз,
Юрагимдан кетар менинг тугуним.

Ана энди ҳамма туркманлар йиғилишиб маслаҳат қилди. «Султон суягини хўрламас», деган экан. Энди Холжувон ўз суягимиз-да... «Шуни шаҳди синмасин! Аёл ҳам бўлса эркинсираб келибди. Энди ўликларни кўмиб қўяйин, гуноҳини ўтинг!» деди. Ана Гўрўгли ҳам халқнинг гапидан ўтолмай юмбаб кетди. Хайр эмаса, деб бир сўз айтаверди:

Уруш куни Фирқўкимни шайладим,
Душманларнинг тиниқ сувин лойладим...
Ўзинг кепсан оқсоқол бўп, чечажон,
Чамбилдаги боққанингнинг иззати,
Бор, ўтдим арабнинг гуноҳини,
Қўрқмасин, писмасин Ширвоннинг юрти.

Қулоқ солгин, менинг айтган сўзима,
Юнус пари кўринмайди кўзима,
Қайт, десанг Чамбилга қайтиб кетайин,
Хирож, бож берсин менинг ўзима!

Худойга етгай-да оҳ урсам зор-а,
Юракдан кетгай-да ғам-ғубор-а.
Айтганингни ўзим қилдим, чечажон,
Райхон подшо бўлсин бизга фуқаро!

Айтганим қилмаса добил туяман,
Уруш анжомимни ўзим кияман.
Хирож, божни берсин фуқаро бўлсин,
Тилдан ҳужжат берса ўзим қўяман.

¹ Бўлсам ҳам.

Одамларга яхши-ёмон айтаман,
Худойнинг ишини ўзим нетаман?
Райхон подшо бўлса менга фуқаро,
Ундан сўнг Чамбилга қайтиб кетаман.

Яхши бўлса хирож олай элидан,
Не иш келар жуллиларнинг қўлидан?!
Бориб айтгин, чеча, Райхон эрингга.
Фуқаро бўп ҳужжат берсин тилидан!
Душман келса, хабар олиб турарман,
Хабар олиб турай Ширвон элидан.

Ана энди бу сўзларни айтди. Холжувон оғим, қучоқ-ламоққа қойим, бадангиналари мулойим, Ширвондан сўлқиллашиб келиб эди пешнобли оғим. Ана энди гала оғим хушвақт бўлиб, Райхон подшонинг олдида етди. Холжувон оғим Райхон арабга қараб бир сўз айта-верди:

От бошини қўяймиш,
Сулув қизинг суяймиш,
Туркманга фуқаро бўлсанг,
Гўрўглибек қўяймиш.

Дарров милтиқ отаймиш,
Пойтахтга етаймиш,
Соқол-муртингни қириб оп,
Еш гўдак қип кетаймиш.

Сен фуқаро бўлсанг ўзинг,
Худоё ўйилсин кўзинг!
Бошқа тусли бўлсин юзинг!
Чамбилбелда Зайдин қизинг.

Ҳасан чопсон акам келиб,
Сени сўйиб кетаймиш.
Сен тилинган ҳужжат берсанг,
Ораламай Ширвон элга,
Чамбилбелга етаймиш.
Кемачи чақириб бундан,
Шу Тажандан ўтаймиш.
Хирож-бож бермакчи бўлсанг,
Чамбилбелга етаймиш.

Ихтиёр ўзингда энди,
Тилингдан ҳужжат бермасанг,
Элни талаб кетаймиш.
Шу калтакчи акам келиб,
Қулатиб тожи тахтингни,
Бойлайди сенинг бахтингни,
Мени олиб кетаймиш.
Саҳмон полвои гурқирайди,
Бошгинангга отаймиш.
Тош палаҳмон отаймиш,
Деворингни қулатаймиш,

Ҳазинангни талатаймиш.
Талашиб ҳарна борингни,
Сулув қизинг, келинчакни,
Туркманга олиб кетаймиш.

Туркманларимдир изингга,
Қуя ёқилсин юзингга!
Ҳолгинангни чоқламадим,
Ихтиёр энди ўзингга.
Бундан бўён пишиқ бўлгин,
Бохабар бўлгин ўзингга!
Ҳали туркман савдо солар,
Ширвои элда говға бўлар,
Хирож, божингни бермасанг,
Узун акам келиб қолар,
Ўзбек битган уруғли эл,
Элингни теп-текис қилар.

Ана энди, бу Райхон араб Ҳасан чопсондан қўрқиб
энди, лекин ўлгандан қўрққан ёмон. Тиши тошдай ури-
шиб, Райхон подшо керишиб, Холжувонга қараб бир
суз айтди:

Менга қилма арзингни,
Паловга сол хўрозингни!
Айтгангинангни қилайин,
Бола-чақалар қўрқади,
Оп келмагин дарозингни.

Давлатгинанг пузун энди,
Акаларинг ёмон экан,

Ширвои элга оралатма!
Олиб келма узунингни.
Суягимни қақшатади,
Банди-бўғним бўшатади.

Узун аканг калтак билан,
Уйларимни ўхшатади.
Қўрқитиб бола-чақани,
Юрак-бағрин пушнатади.
Бунда опкелма дарозингни,
Ёнаштирама узунингни!

Номаъқул ишни қилмасин,
Одамлар қўрқиб қолмасин!
Ёмон экан узун аканг,
Ширвоига келиб қолмасин,
Неча бандалар ўлмасин,
Одамлар сарсон бўлмасин.
Бориб яхши сўзлар айтгин,
Шу баччагаринг келмасин!

Ўзбегининг юзи курсин,
Унинг айтган сўзи курсин!
Ёнаштирама асло бунда,
Божирайган кўзи курсин!
Оёқни қўй онда-сонда,
Акангга насихат қилгин,
Ёнаштирама асло бунда.

Айтганингни ўзим қилдим,
Этагингга бошни солдим.
Туркманларинг ёмон экан,
Мен ўзим фуқаро бўлдим.

Олмасин ўзимдан ўчни,
Бошимдан оп боргин тожни.
Туркманларинг ёмон экан,
Йиғиб бергин хирож, божни,
Тоғни босган туман экан,
Ҳақ сақлаган омон экан.
Беравергин ҳарна борни,

Узунингни ёнаштира,
Билдим туркман ёмон экан.

Талаттирмагин шаҳримни,
Кетказ менинг губоримни.
Одамлар бунда ўлмасин,
Оп боргин ҳарна боримни.

Янги мен кўрдим зўримди,
Бузиб кетар шаҳаримди.
Гўрўгли менинг пиримди(р),
Эсон қулга мол топилар,
Оп бориб бергин боримди!

Гўрўглингни қараштиргин,
Нима лозим сўраштиргин!
Қайтайин, бўлдим фуқаро,
Гўрўглиман, туркманларман,
Қалтаклингдан ўзим қўрқдим.
Узунингман яраштиргин!
Сингниғарларинг келмасин,
Элни теп-текис қилмасин!
Қойил бўлдим, Холжувонжон,
Қариндошларинг келмасин!

Ана энди Холжувон билди, Райхон араб қўрққан экан,
подадай бўп ҳурккан экан. Қаторда норни, хазинада
зарни, беш юз норга анжом ортиб чиқди. Райхон подшо
фуқаро бўлди қўрққанидан. Ахири Гўрўглини ўлдира-
ман деб, кўкайига ўтқариб тугун қилиб қўйди.

Бу тугунли жойда тураверсин. Холжувон катта одам
бўп, тортғ-таролғини бориб бериб, ҳамма ёвлаб борган
одамни хушвақт қилиб, эсон-омон Чамбилга жўнатди.
Холжувон хўб бир катта одам бўлиб кетди. Арабларга
Райхон подшодан Холжувон юз хотирли бўлиб кетди.
Ана энди хушвақт бўлиб, булар бу ёқда ётаверсин. Эн-
ди гапни Гўрўглидан эшитмак даркор.

Кемачини қичқиртти,
Гўрўғлибек, ёронлар,
Чамбил шаҳрига қайтди.
Талтайишиб ўзбеклар,
Бари қўррайиб кетди.

Ерни тутиб савлати,
Танада кўп ғайрати,
Ботирнинг йўқ уяти,
Сап меҳри бўш ўзбеклар,
Ширвон элни олдик деб,
Биз фуқаро қилдик, деб,
Шукур қилиб оллога,
Юраги ёрилишиб,
Чамбил шаҳрига қайтди.

Ихлос қип қодир ҳаққа,
Добил ўрганди таққа.
Келаётир тикласа,
Чўллар тўлган ўликка.
Сап ўликларни кўмиб,
Кўринг энди Гўрўгли...
Чамбилбелга йўл тортди.

Кемачини ош бориб,
Соғ-саломат ҳаммаси,
Бўлди араб таммаси,
Ҳам араб, [туркманларга]
Мулласи жаноза қип,
Уликни кўмиб кетди.

Рози бўлди ўлганлар.
Кемачини қайтариб,
Кўп нарсаларни бериб,
Хушвақт қип кемачини,
Уш келдинг, деб жўнатди.

Туркман элнинг беклари,
Юракда йўқ кеклари,
Ҳам кечаю, ҳам кундуз,
Чамбилбелга йўл тортди.

Яхши иш қилдик, дейди,
Одамдек бўлдик, дейди,
Элдан олган навкарлар,
Душман қонин тўнарлар.
Жонни сотган аскарлар,
Чамбилбелга йўл тортди.

Гўрўглининг шотири,
Элга кўпди хотири,
Ағдарилиб от қўйиб,
Чамбил элнинг ботири,
Қиш, баҳорни ёзлайди,
Тёз ҳайданг деб сўзлайди.
Кўринглар сатта ботир,
Ағдарилиб от қўйиб,
Чамбилбелни излайди.

Чув деб ҳайдаб, тепиниб,
Хотинларни соғиниб,
Тинмай қистаб йўл юриб,
Шердай бўлиб чопиниб,
Барин сўзи бомаза,
Эл бегилар озода,
Асил ўзбек жўнади...
Суриштира зотини,
Ҳамон бирдай бекзода.

Очилар боғда гунча,
Сарсон бўлган бир неча
Фирқук от ҳам ёш эди,
Гўрўгли элга бош эди.
Олло дейишиб от қўйиб,
Сатта бирдай бекбачча.
Қаторида лўқлари,
Яхшийди чарвоқлари,
От қўяди ҳаммаси.
Туркман элнинг беклари,
Катта ташвишни қилиб,
Райхондан ўчни олиб,
Тарафга савдо солиб,
Гўрўглидай бекбачча.
Зикри сапо тилида,
Тилла камар белида,
От қўяди Гўрўгли,
Жўнаб Чамбил элига.
Юра-юра Гўрўгли,
Уйларини соғинган,
Қистаб етди туркманлар,
Элсорининг чўлига.

Ана энди Элсоридан ҳаммаси тушиб, Гулчеҳрага шодиёна қайтариб, подшолик чотир тикиб берди. Подшолик салтанат билан ўтирди Гулчеҳра. Ана Гўрўгли маслаҳат қилиб, Ҳасанхонга неча шоҳона сарполар кийгизиб, салтанат билан ўтирди. Ун одамга Темирхонни бошлиқ қилиб Чамбилга суйинчига жўнатди. Суйинчи-хўрлар Чамбилга, Гўрўглининг туғини олиб кетди, Чамбилга яқинлаб етди.

Ҳали ҳам Чамбилда шу милтиқ отилиб ётди. Ана энди яқинлаб қўрғонга етди. Тупроқлар чангиб кетди. Ана Темирхон дарвозанинг оғзига етди. Аскар жеваҳонадан бирқиллатиб тўпни отаётди. Ана Темирхон дарвозабонга қараб бир сўз айтаверди:

Жундан бўлган чекманни кийгинчи,
Ҳар тарафга пўлат добил туйгинчи!
Гўрўгли, туркманлар соғ бўлиб,
Дарвозабон, беринг менга суйинчи!

Душманларга савдо солди бенаҳат,
Ширвон элга бўлиб қолди қиёмат.
Эсон-омон келдик Чамбил элига,
Гўрўглибек келди эсон-саломат.

Юриб келди Ширвон элнинг чўлидан,
Қутулгаймиз тарафларнинг хилидан.
Суйинчини менга беринг, қариндош,
Эсон-омон келди душман қўлидан!

Биродарлар, энди милтиқ отманглар,
Омончилик бўлди, заҳҳоб ютманглар!
Хон Гўрўгли келди Темир юртидан,
Суйинчи бер, асли ваҳм тортманглар!

От чопилди, чўллар бўлиб қолди гўшт,
Гўрўглибек бўлди туркман элга бош.
Обрў топиб келди Темир юртидан,
Суйинчи бер келганларга, қариндош!
Ваянган шаҳрига ғазо деб бордик,
Неча кун, неча тун чўлда йўл юрдик.
Ваянган шаҳрига лашкар қип бордик.

Ҳасан чопсон, Соқибекни юбориб,
Иншолло, ҳаммамиз обрўлик бўлдик.
Қариндош, беринглар бизга суйинчи!
Тўпгинангни энди отмай қўйсанг-чи,
Яхши тўнни Юнусжондан кийсанг-чи,
Гўрўғлибек келиб қолди саломат,
Қариндошнинг меҳрига [хўп] тўйсанг-чи.
Бола-чақаларни ўзинг суйсанг-чи.

Омонат ўйласам танада жонни,
Обод қиятлар энди ҳовли-мақонни.
Хўб обрўлик бўлиб келдик, қариндош,
Олиб келдик бориб Гулчеҳражонни.
Яна олиб келдик биз Ҳасанжонни,
Жиловдор қип олиб келдик полвонни.

Эшитинглар, Темирхондан сўзларни,
Хушвақт бўп ўтказинг баҳор, ёзларни.
Суйинчини беринг менга, қариндош,
Олиб келдик сатта сулув қизларни.

Кўрганлар кетказар бор гўборини...
Олиб келдик Гулчеҳрадай парини.
Қўшиб келдик олдида дўстларини.
Қилинг энди кўнглида ҳавасларини!
Гулчеҳрага жиловдор қип оп келдик,
Қаватида сап сулув дўстларини.
Қариндош, беринглар бизга суйинчи!

Бедов отни тинмай бизар ўйнатдик,
Қизил гулдай сулув қизни жайнатдик.
Қариндош, беринглар менга суйинчи,
Эсон-омон бизар Чамбилга етдик!

Милтиқни бўшатманг, тўпни отманглар,
Зафар топиб, Чамбил шаҳрига етдик.
Ширвоннинг элини фуқаро қилдик.
Бориб туриб неча жонман бош олдик.
Қариндош, ўзима беринг суйинчи!
Ширвонни қаратиб, Чамбилга келдик.

Райхон подшо кеп сизларни ҳурқитди,
Номард араб келиб сизни қўрқитди.
Қувиб тикдик бошин кесиб Ширвонга,
Ўлжа олиб, Чамбил шаҳрига етдик.

Хотин битган тинмай милтиқ отибди,
Гала аёл чўпдай бўлиб қотибди.
Шундайин Темирхон тиклаб қараса,
Хотин битган чўпдай қотиб кетибди.

Ҳамма одам изиллашиб гувлашди,
Гўрўғли келди, деб бари чувлашди.
Гўрўғли туғини кўриб хотинлар,
Сарбози кийимни хотинлар ечди.

Душман қурсин, бари жонин сотибди;
Ёвгарчилик ёмон экан дунёда,
Хотин бечоралар зулфи — сочлари,
Ўт қочиб, қошлари куйиб кетибди.

Дарвозани Асқар бечора очди;
Гўрўғли келди, деб ақлар шошди.
Ҳамма одам Гўрўғли келди дейишиб,
Кўп зарба кўрган Райхон арабдан,
Қўй-қўзидай ҳаммалари бўзлашди.

Дарвозадан Темирхон кириб кетди,
Ҳамма одам юраги учиб кетди.
Кўрганларнинг эслари шошиб кетди.
Юнус пари қўлтиқ-қўлтиқ сарпони,
Келган суйинчихўрга чопон отди.

Ҳаммасининг димоғи чоғ бўп кетди.
Баланд экан ой Юнуснинг ҳиммати,
Ой Зайдиннинг димоғи куйиб кетди.
Кийим кийиб қизғалдоқдай яшнашиб,
Савлати Чамбилнинг шаҳрини тутди.

Ун тўрт кунлик ойга ўхшайди бети,
Яхши одамнинг элига кўп иззати,
Дағдағаси саятанати қизларнинг.

Кўп бўлди Темирхоннинг меҳнати,
Ким қувонмас фарзандиман молига,
Хушвақтликдан бари ҳаддига етди.

Ана энди ҳалиги борган элчиларнинг устини чопон билан тўн босиб кетди, лайлак қор ёққандай бўлиб. Нима бўлса бўлди шу паллада. Ҳасан кўлбар билан Ҳасан яқдаста, етти яшар Самандар Кўҳи Қофнинг бўлайроқларида ов қилиб, олқор, говвосни, айиқни, каркни, филни еб юрган экан. Ана энди шу кўргиликнинг устига келиб қолди. Булар Юнуснинг Раҳматпари қўшган акалари эди. Юнус парига учови: «Ҳа, синглим, омонсанми, эсонсанми?» деди. Дим ўнг гапирмади. Ана энди учови хафа бўлиб, Ҳасан кўлбар ой Юнусга қараб бир сўз айтди:

Одамзод бепоён дунёга меҳмон,
Жонимни айладим урушда жавлон...
Мен гапирсам қовоқларинг уйилиб,
Сабаб нима, хафа бўлдинг, Юнусжон?

Ҳар ранг желак ёпиндингми?
Шамолдай бўп қовундингми?
Мен гапирсам қовоғингни очмайсан,
Ота-энангни соғиндингми?

Кўҳи Қофдаги желагинг кийибсан,
Минг-минг косаларга майни қуйибсан.
Ота-энангни сен соғинсанг оп борай,
Мен гапирсам қовоғингни уйибсан...

Ё бошқа бўлдингми сенинг ўзгинанг,
Жовдирайди, синглим, икки кўзгинанг?
Энангни соғинсанг сени оп борай,
Сабаб нима бошқа бўпти юзгинанг?

Сабаб нима тумирайиб турибсан,
Сочинг ювиб қирқта қилиб ўрибсан?
Соғиниб келувдим сенинг олдингга,
Қовоғингмаң мени уриб турибсан,
Нега, синглим, мени ёмон кўрибсан?

Кетганима ўтди менинг саккиз ой,
Юзинг сенинг бошқа тусли бўлибди.
Бир худойим сенинг ақлинг олибди,
Мен келувдим удирайиб турибсан,
Синглим сенга нима бало бўлибди?

Парилар юради буралиб боғда,
Қовоғинг уясан биздай бебахтга.
Сен соғинсанг ота билан энангни,
Гапиргин, оп борай мен Кўҳи Қофга!

Мен ўзим Юнусжон жонни сотайин,
Душман бўлса мен ўзим қийратайин.
Кўҳи Қофда париларни соғинсанг,
Юргин, синглим, гўркиллатиб кетайин!

Менинг ўзим ҳар тарафга учайин,
Куни туни демай қистаб кўчайин.
Неча тубсиз дарёларни кечайин.
Ота-энангни сен соғинсанг, Юнусжон,
Ғайрат қилиб мен осмонга учайин.
Нега менга безрайиб турибсан?

Говвос қувиб кўрдим тоғнинг ичини,
Сулув қизлар ёйиб урар сочини.
Безрайма, тумсирайма, ой Юнус,
Айта қолгин хафалигинг важини.

Ана энди Юнус пари акаларига қараб бир сўз айта-
верди:

Қилгуликни қилиб қонг,
Ичинг қонга тўлиб қонг!
Ака бўлмай учовинг,
Битта қолмай ўлиб қонг!

Тақдир қилиб бунда келди Юнусжон,
Қайтайин дунёда бўлмадик шодмон.
Тайинловди отам сизга кўп гапни,
Уччовгинанг йиқилиб ўл, акажон!
Гўрўғлибек Ваянган элга кетди,

Бархақ бергай ҳар одамга давлатди.
Подшолар қилади йўлда савлатди.
Гўрўғлибек йиғиб гала эркакди,
Ҳасанхонни оп келмоқликка кетди.
Кетганига орадан беш ой ўтди.
Хотин, майиб қолди Чамбил элида,
Жалман қизил арабга бориб айтди.
Райхон подшо йиғиб Ширвондан лашкар,
Араб курсин, гаши гапга улгайтди.
Говир-шовир қилиб ҳамма араблар,
Хотин-қизни ўлжа қиламиз дейишиб,
Тажан дарёсидан араблар ўтди.
Чўпон-чўлиқ келиб бизларга айтди.
Хуркинчилик бўлди туркманнинг эли,
Тоғу тошга ҳуркишиб чиқиб кетди.
Дарвозага тупроқ тўкиб Асқарбек,
Ҳайъат қилиб милтиқ билан тўп отди.
Бундан ортиқ зулм борми, қирилгур,
Райхон араб ёв қип Чамбилга етди.
Бундан қаттиқ жабр борми дунёда?
Райхон подшо туркманларни бўзлатди
Илдам экан жўйқонсизнинг отлари,
Чопқиллашиб ўрда олдига етди.
Чамбилнинг элини милтиққа тутди.
Асқар ҳақлаб Гўрўғлининг тузини,
Эшитинглар, ўлгир, синглинг сўзини,
Бундан ортиқ зулм борми одамга,
Юнус синглинг сарбози кийим кийиб,
Тағи бир ой баландликдан ўқ отди.
Гапирсам сеп бўлмас Райхоннинг сўзи,
Худоё ўйилсин арабнинг кўзи!
Бундан ортиқ жабр борми, жўйқонсиз,
Урушда сарғайди синглингнинг юзи.
Кеча-кундуз [сира] тинмай тўп отди.

Асқар полвонимдан мен бўлдим рози.
Кўрганимни бир-бир сизга айтйин,
Мерган бўлиб қолди Чамбилнинг қизи.

Хотин-қизни подшоликка йиғдирдим;
Сарбози кийимни ўзим кийдирдим.
Жабр қилиб хотинларнинг жонига,

Сочларини тепасига туйдирдим.
Ўқни тинмай кеча-кундуз дўндирдим.
Кундуз куни неча хотин, кампирни,
Қора бериб деворларга миндирдим.
Ҳафтагача қўрқиб турди хотинлар,
Урушмоққа хотин-қизни кўндирдим.
Бундан ортиқ жабр борми, акалар,
Отишмоқдан меҳрларни қондирдим.
Нима деса дўсту душман деб қолди,
Одамларга ой Юнусдан от қолди.
Муллалардан яхши имло хат қолди.
Ака бўлмаё баринг ўлиб қола қол,
Орадан етти ой тағи ўтганда,
Ҳасан чопсон Ваянгандан кеп қолди.

Райхон араб туркманларман чап бўлди.
Бир урушди Ҳасан акам арабман,
Ўртага олди Ҳасан чопсон дап бўлди.
Шунча гапни айтдим ўлгир, акалар,
Хотин урушгани катта гап бўлди.
Ўла-ўлгунча араб курсин, чап бўлди,
Ҳасан чопсон кетиб қолди бир гўрга,
Тағи Чамбилбелда хотин-қиз қолди.
Таваккални қилиб яратган ҳаққа,
Йиғлай-йиғлай Юнусжондай синглинг,
Ноилож милтиқни қўлига олди.
Араб билан шунча можаро қилди.
Нолишни эшитди қодир худойим,
Гўрўғлибек Ваянганнинг юртидан
Ғайрат қилиб пешинда келиб қолди.
Даста-даста бўлиб душман қўшини,
Арабларни келиб ўртага олди.

Ик кеча, ик кундуз тинмай урушиб,
Райхон араб туркманнинг қўшинига,
Ик кунда араблар зўрлик қилди.

Рустамдайин битта ҳайбатли киши,
Вир бесоқол бача ўнг ёнбошида,
Қойил бўлдим икковининг ишига,
Отин чопиб Асқар тоғнинг тошига.

Баракалла, зўр эканди иккови,
Шулар етди Райхон араб бошига.

Араб полвонини майиб қип кетди,
Урушда иккови кес-кеслаб ўтди.
Туркман эли пак қочайин деб эди,
Бўридай бўп бача билан шу полвон,
Арабнинг зўрини қувалаб кетди.

Ҳамро бўлсин ўлган эрлар имонга,
Азроил чанг солар таидаги жонга.
Кўрганимни айтаверсам, акажон,
Араб битган қочаверди Ширвонга.

Туркманларга худо берди ғайратни,
Туркманлар ҳаммаси шер бўлиб кетди.
Нима бўлганини ўзим билмадим,
Зингирайтиб арабни қувиб кетди.

Соқоллари тирқирашиб араблар,
Улиги думалаб қолиб чўлларда,
Ҳайт деб Ширвоннинг элига кетди.

Арабларнинг ақлини шоширди...
Полвон билан битта бесоқол бача,
Арабларни Асқар тоғдан оширди.
Уни кўриб кўнгилларим жўш урди.

Худо зафар бериб найза суқибди,
Арабларни қувалашиб туркманлар,
Жонни сотиб Ширвон элга тикибди.
Кўп йиғлабди Холжувонга араблар,
Холжувонной неча сулув қизларман,
Гўрўглига оқсоқол бўп чиқибди.

Гўрўглибек соқолларин силабди,
Дардли қуллар гапни гапга улабди.
Оқсоқол бўп Ширвон элнинг қизлари,
Арабларнинг ўлим ўтин тилабди.

Арабларга туркман зўрлик қилибди.
Хирож, божни Ширвон элдан олибди.
Обрў олиб иззатли бўп туркманлар,
Гўрўглибек зилзиламан келибди.

Учовингга бирор бало бўлибди.
Суйинчихўр янги-янги келибди.
Сизардайин акам менинг турганда.
Жунли араб кўп бедахат қилибди.

Ана бу Ҳасан кўлбарнинг калтаги бор эди; ғаввоснинг шохидай уч юз шохаси бор эди. У беш ботмон, уч ботмон, бир ярим ботмон чўян қоплаб, бошини тўқмор бош қилиб қўяр эди.

— Бизлар эсон-омон турганда, ҳайт, деб Ширвоннинг элига юринг! Бу қандай бедахат,— деб, кардай бўлиб гуркираб, туядай лапанглаб, ҳайт деб, жумийиб, Ширвонга солди, кетди. Ана-мана дегунча қулоқлари ялпиллашиб, тумоғининг жуни силпиллашиб, «синглимизга қаллобилар бедахат қилди», деб энди жўнаб кетди. Ана энди ой Зайдиннинг димоғи куйиб кетди. «Войвой отам ўлди»,— деб Гўрўглининг олдига етди... Ой Зайдин Гўрўглибекка қараб, дод-фарёд деб, бир сўз айтди:

Тилла бўлар илдам отнинг тўқаси,
Қатта бўлар фуқаронинг эгаси.
Ширвонда отажонимдан айрилдим,
Қулоқ солинг туркман элнинг оғаси!

Эшитинг подшойим, ўзимдан додди:
Даврон сурмай, қайтай, кўп қайғу ортди.
Кўҳи Қофдан келди, вой, Ҳасан кўлбар;
Юнус пари бўлган гапларни айтди.

Якдастаси, Самандари учови,
Ҳайт деб Ширвоннинг элига кетди.
Ҳам отамдан, ҳам элимдан айрилдим,
Қалтак олиб учови Ширвон кетди.

Мен қарадим сендай қайним қўлига,
Раҳм айланган қари отамнинг ҳолига!
Аччиғланиб бежой кетди уччови,
Яқинлашиб қолди Ширвон элига.

Юнус пари бўлган гапларни айтди.
Бир-бир қилиб воқеани эшитди.
Мен отишдим, деди ой Юнус пари,
Аччиғланиб, ҳайт деб Ширвонга кетди.

Ёмон гапга юраккинам чер бўлди.
Қариган сўнг яхши одам пир бўлди.
Тўрловы чопқиллаб кетди элима,
Бачажоним, бу не деган сир бўлди?

Элатимнинг кўни энди кўп ёмон,
Баланд тоғ бошидан кетмайди туман.
Қалтак олтиб кетди энди уччови,
Ширвон элга бўп қолди охир замон.

Бачажон, эшитинг, ўзимдан додди.
Улсизликдан қари отам қон ютди.
Йиғлаб келдим давлатингга қайним;
Синглимизга кўп бедахат қипти деб,
Уччови Ширвоннинг элига кетди.

Улсизларнинг ичи ҳамга тўлади,
Улган сўнг давлати сабил қолади.
Шу аччиғда борса Ширвон шаҳрига,
Битта қолмай бола-чақа ўлади.

Элимнинг аҳволи қандай бўлади?
Ой Зайдиндай чечанг келиб, бачажон,
Ширвон элнинг гуноҳини тилади.
Элимнинг аҳволи қандай бўлади?

Сўзни айта-айта Зайдин муштинар,
Уксиб-ўксиб, во элим, деб йиғлади,
Чидай олмай қариндошнинг хилига,
Ҳеч қайним дегани йўқди Гўрўглини

Қариндошлик ёмон қаттиқ иш экан,
Уэр айтиб Гўрўглидан ой Зайдин,
Отасининг эл гуноҳин тилади.
Фуқаромнинг ҳоли қандай бўлди, деб
Вой-вой деб Зайдин бебахт йиғлади.

Ана энди халқ йиғилиб келиб, Аҳмадбек айтди:
— Шу вақтгача ой Зайдин ҳеч гапиргани йўқ эди.
Энди шуйтиб полвонларининг ҳисобини қил!— деди.
Шуйтиб Гўрўглибек ой Зайдинга қараб бир сўз айта-
верди:

Рози бўлдим энди айтган сўзингга,
Йиғлай-йиғлай ёш ёғилди юзингга,
Улади деб хафа бўлма, жон чеча,
Отангни кўрсатай сенинг кўзингга,
Яхши амал берай сенинг ўзингга.

Энди қилгин бу сўзларнинг адосин,
Унинг учун хафа бўлма, ой Зайдин,
Энди ўтдим чўртта отанг гуносин.

Раҳм айладим қари отанг ҳолига,
Амал қилдим сендай аёл тилига,
Ҳеч бировни ўлдирмайман Ширвондан,
Ўзинг билла юргин Ширвон элига!
Бор ўтдим фуқаронинг гуносин!

Ана энди, қуллуқ, деди ой Зайдин. Шунда Гўрўгли-
бек Ҳасан чопсонни чақирди тез. Ҳасан чопсонга айтди:

— Тез юр! Бу иш ёмон бўпти,— деди. Гўрўглибек
Гиротни миниб, Ширвонга қараб зўр берди. Ҳамма одам
ҳайрон бўлиб қолди. Шу Ҳасан чопсон билан Гўрўгли
гоҳ олдин, гоҳ кейин, юлдуздай бўлиб Ширвонга кетди.
Тажан дарёга етганда, полвонларнинг қорасини кўриб,
иш тарафлаб Тажан дарёдан ўтди. Бир тош яқинлаб
етди. Ҳасан чопсон:

— Тўхта, бачағарлар!— деб учовининг олдида
шундай кес-кеслаб ўтди. Учови зўр полвон Ҳасан чоп-
сонни йиқитиб ўтди. Гўрўгли ҳам бориб ночор учовини

Чамбилга етаклаб қайтди. Яна Элсорига — қўшиннинг олдига етди.

Чамбилдан Юнус пари Гўрўғлибекнинг олдига чиқиб, тикка Чамбилнинг тахтига етди.

Ҳасанхонга жиға санчиб, бошига сардори лашкар амал берди. Гулчеҳрага гул томдан ўрни кўрсатди.

Ана энди ҳар уруғдан ўзини мен деган йигитлар бўлиб, Гўрўғли жуда ҳам подшога ўхшаб, ҳар нима бори-ни талатди. Минг ҳисса даража қилиб кетди, қўшини жуда кўп бўлиб кетди. Шуйтиб бу достон соп бўлиб кетди.¹

¹ Достон бахшидан «Темирхон подшо» номи билан ёзиб олинган.